

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
“Археология ва этнология” кафедраси**

Бекназарова Нафосат Самадиллаевна

Малакавий Битирув Иши

**Мавзу: ҚАШҚАДАРЁНИНГ АНТИК ДАВР
АРХЕОЛОГИЯСИ**

Илмий раҳбар: ўқ.Мўминов О.Ў.

Тошкент 2014

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ 2-5

**I. БОБ. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА АНТИК ДАВР
АРХЕОЛОГИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ.**

1.1. Наутака – Нахшаб тўғрисидаги ёзма манбалар таҳлили. 6-24

1.2 Наутака ва Нахшабнинг археологик жихатдан ўрганилиши. 25-49

**II БОБ. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА ҚАДИМГИ ШАҲАРСОЗЛИК
МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ.**

2.1 Қашқадарё воҳасида қадимги шаҳарларнинг шаклланиши. 50-71

2.2 Қашқадарё воҳасининг антик даври шаҳарсозлик хусусиятлари. . . . 72-84

ХУЛОСА 85-88

Фойдаланилган адабиётлар

Илова

КИРИШ

Ўзбек халқининг асрий орзуси амалга ошиб, Ўзбекистон ўз мустақиллилини қўлга киритганидан сўнг мамлакатимиз ривожланишнинг турли жабҳаларида туб ўзгаришлар содир бошланди. Жумладан ижтимоий фанларга бўлган қизиқиш тобора кучайиб, тарихимизнинг долзарб муаммоларини изчил ва чуқурроқ ўрганиш, юксак тарихий-маданий анъналарини тарғиб қилиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.¹

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг қадимги тарихи, маданияти, қадриятлари, ўзбек халқининг келиб чиқиши, ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар мавзуларга катта диққат-эътибор пайдо бўлди. Ватанимиз қадимги тарихини холисона ва ҳаққоний ёритиш, унга адолат нуқтаи назаридан ёндашиш ва баҳо бериш олдимизга улкан вазифалар қўймоқда.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмақда. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган ва сайқал топган.²

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг қадимги тарихини чуқурроқ ўрганиш энг муҳим масалалардан хисобланади. Жумладан, ўзбек давлатчилиги тарихи, ўлкамизда деҳқончилик маданияти ва илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши мавзулари муҳим аҳамиятга эгадир.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXII аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари шартлари ва тарақийёт кафолатлари. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997, 137 б.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т; “Шарқ”, 1998, 3-б.

Мавзунинг долзарблиги: Қашқадарё воҳаси ўзининг кўҳна ва бой тарихига эга. Бу кўҳна воҳа ўзининг узоқ тарихи давомида Ўрта Осиё цивилизациясида муҳим сиёсий, иқтисодий, ижтимоий этник ва маданий аҳамият касб этган минтақа бўлган. Шу сабабли Қашқадарё воҳаси антик даври археологиясини ўрганиш Ўрта Осиё тарихининг босқичларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари тарихини ўрганишда турли манбалар билан бирга археологик маълумотларга ҳам таянилади. Қашқадарё воҳаси антик даври тарихини ёритишда воҳаниннг қадимги шаҳарлари Ерқўрғон, Узункир, Қаландартепа ёдгорликларида олиб борилган археологик тадқиқот натижаларини ўрганиш долзарб вазифалардан биридир.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари: Қашқадарё воҳасининг тарихига оид археологик ва ёзма тарихий маълумотларини умумлаштириш, янги саҳифаларини ёритиш учун қуйидаги мақсад ва вазифалар белгилади:

Қадимги Қашқадарё воҳаси антик даври археологияси ўрганилаётган даврда унда мавжуд бўлган шаҳарлардаги маданий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларни қамраб олган ҳолда талқин қилиш;

- Қашқадарё воҳаси археологик ёдгорликларида олиб борилган археологик изланишлар натижаларини таҳлил қилиш, уларни ёзма манбалар маълумотлари билан солиштириш;
- Айрим илмий тўламларда ва кўп сони тарқоқ мақолаларда ўз аксини топган манбаларни ва маълумотларни чуқур ўрганиб, Қашқадарё воҳасидаги муҳим ва йирик маданий ҳудуд сифатида тарихини ёритиш;

Диссертациянинг олдига қўйган мақсад ва вазифаларидан яна бири Қашқадарё воҳаси антик давр археологияси тарихини янада чуқурроқ ва мукамалроқ ўрганиб, ечимини кутаётган муаммоларга тарихан аниқлик киритиш нуқтаи назаридан ёндашишдир.

Битирув малкавий ишининг илмий янгилиги: Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги шундан иборатки, ушбу ишда археологик ва манбашунослик тадқиқотлари натижаларини, чоп этилган турли хил маълумотларни умумлаштириб, Қашқадарё воҳаси антик давр тарихига янгича ёндошув асосида ёритишга ҳамда Қашқадарё воҳасида олиб борилган археологик қазув ишлари ва уларнинг натижалари аниқ тарихий жиҳатдан жамланган ҳолда ўрганишга ҳаракат қилинган.

Битирув малкавий ишининг тузилиши: Ушбу битирув малакавий иши кириш, икки боб, тўрт бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат.

I. БОБ. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА АНТИК ДАВР АРХЕОЛОГИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ.

1.1. Наутака – Нахшаб тўғрисидаги ёзма манбалар таҳлили.

Ўзбекистоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири ҳисобланган Наутака – Кеш шаҳри кўпчилик тадқиқотчи олимларнинг фикрларига кўра Ўзбекистоннинг жанубий вилояти ҳисобланган Қашқадарё воҳасида жойлашган. Кеш шаҳри ҳақидаги ёзма манбаларни кўздан кечиран эканмиз, шаҳарнинг минг йиллик тарихи турли давр манбаларида турлича учрайди.

Наутака – Кеш шаҳри тарихи ёзма манбалари икки асосий қисмдан иборат бўлиб, Наутака – Кешнинг энг қадимги манбалари ва кейинги даврда очилган ва топилган археологик манбалар ҳисобланади.

Биринчи гуруҳга Аҳамонийлар сатраплигидаги Бақтр архив ҳужжатлари киради. Бу манбалар оромий тилида (асоси суғд алифбосида) терига ёзилган. Бу ҳужжатлар Афғонистоннинг шимолий қисмидан топилган³.

Кеш топоними даставвал Зардўшт Каъбасидаги Шопур I (242 – 273) битикларида учрайди. Унда Шопур I ўз давлати чегараларини шу жумладан, Ўрта Осиёдаги Каш, Суғд ва Шош тоғларигача етиб келган чегараларини тасвирлайди.

Мил.авв. II асрнинг 2-ярми ва охирида Жанубий Суғд ҳудудида олд томонида Геракл, орқасида Зевс тасвири акс эттирилган ҳамда суғд афсонаси битилган кумуш тангалар зарб қилинган⁴.

Иккита хронологик гуруҳ акс эттирилган ушбу тангалар милоднинг III асрига, Жанубий Суғдда Кангюй Абт(а)т сулоласи ҳукмронлигига чек қўйилган вақтга тўғри келади. Бу Шопур I Шарқни ишғол қилганидан кейин

³ Франц Грене. Новые свидетельства о Нахшабе и Кеше античного периода. // Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Тошкент – Қарши, “Фан”, маъруза, 2006, 34 – б.

⁴ Ртвеладзе Э.Е. Монеты Кеша // История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековье. Т., 1989, с. 40.

юз берган бўлиши мумкин. Бу “Зардўшт Каъбаси”даги РКН ёзувида акс эттирилган бўлиб, унда Каш (Кеш) ушбу сосонийлар шоҳи томонидан ташкил этилган қайта давлат таркибига киргани қайд этилган⁵.

Зардўшт Каъбасидаги Шопур I битида Кеш Македониялик Александр юришлари даврида бу вилоят Наутака деб, мил.авв. I – II асрларда маҳаллий номнинг хитойча бузилган шаклида Су-се деб номланган. Милодий III аср ўрталаридан XVI асрга қадар қўлланилган Каш (Кеш) номи қайд этилган.

Мил.авв. IV – III асрларда Ўрта Осиёга юриш қилган Македониялик Александрнинг солномачилари Бранхитлар шахри ҳақида ёзиб қолдирганлар. Академик Э.В. Ртвеладзе Ерқўрғон шахрини юнон манбаларидаги Бранхитлар шахри билан айлантиради⁶. Ўша даврда зарб этилган “бронза давридаги ҳукмдор тасвири”⁷ орқали буни изоҳлашга ҳаракат қилади. III – IV асрлардан то VIII асргача бўлган “Нахшаб” ҳамда “Кеш подшоси” тангалари Ерқўрғон шахрининг ўша даврда Кеш мулки тасарруфида бўлганлигини кўрсатади⁸.

Қадимги юнон муаррихларидан Арриан, Геродот, Плутарх, Квинт Курций Руф, Константин Багрянородний асарларининг чоп этилиши катта аҳамият касб этган эди. Бу асарлар биринчи манба сифатида ўзига хос илмий тасаввур шаклланишига хизмат қилади. Уларда милoddан бурунги даврда Македониялик Искандарнинг Марказий Осиёни истило этиши сабаб, мазлум этилган халқлар, уларнинг ушбу зарблари билан бир қаторда шаҳар ва қишлоқлари, одамлари ҳақида маълумот берилган. Македониялик Александрнинг асосий жанглари Қашқа воҳасида кечган. Искандарнинг ўзи Навтоқ (Наутака) вилояти ва унинг асосий шахри бўлган Нахшобда узок муддат тўхтаб турган. Искандар тарихини битган қадим Юнон муаррихлари шу муносабат билан бу воҳанинг бир қанча шаҳар ва қишлоқларини тилга

⁵ Қарши. Кичик альбом, Т., Маънавият, 2006, 19-б.

⁶ Ртвеладзе Э.В. Эюд по исторической географии Бактрии и Согдианы во время похода Александра Македонского / ВДИ 2000, №4, с. 104 – 112.

⁷ Кабанов С.К. Нахшебские монеты V – VI вв. // ВДИ. 1961, №1, с.137 -144.

⁸ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда (V – VIII) Сўғд мулкида Насаф шахри ва вилояти. // Қарши шахрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Тошкент – Қарши, “Фан”, маъруза, 2006, 129 –б.

олиб ўтганлар. Шарқ ва Ғарб ўтмиши ва маданияти тарихига бағишланган асарлар⁹ ана шу жиҳатларга кўра, Наутака – Кеш тарихини яратишда бирламчи манбалар доирасига киритилишга лойиқ.

Қашқадарё воҳаси ҳақидаги илк хабарлар зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да учрайди. “Авесто” матнларининг энг қадимийлари милодга қадар бўлган IX – VIII асрларга оид бўлиб, у тўла равишда милоднинг IV асрларида ёзиб олинган. Оташпарастлик динининг илоҳий матнлари мажмуаси милодгача бўлган IX асрлардан то янги милоднинг III – IV асрларига қадар ёзилган, тўлдирилган ва тўпланган. “Авесто”да Бохтар ўлкаси (Сурхондарё ва Афғонистоннинг шимолий қисми), Суғдиёна (Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари), Хоразм каби жойлар таъриф қилинади¹⁰.

Қадимги юнон муаррихлари Македониялик Александрнинг марказий Осиёга қилган юриши, ҳарб-зарблари ҳақида ҳикоя қилганларида, Суғд ва унинг жанглар кечган вилоятлари ҳақида ҳам йўл-йўлакай сўзлаб ўтадилар. Жумладан, Доро III ҳокимиятдан четлатиб, ундан подшоҳликни ва шоҳона анжомларни тортиб олган Бесс ҳақида гап кетганда, биринчи бор Навток (Наутака) тилга олинади. Арриан бу ҳақда: “Бессга Александр яқинлаб қолганлигини айтганларига, у Оксдан сузиб ўтади, қайиқларни эса ёндириб, Суғд ерига, Навтоққа кетади”¹¹, дейди.

Франциялик тадқиқотчи Франц Грене бошқа бир қатор олимларнинг фикрига таянган ҳолда Наутаканинг номланишига қуйидагича таъриф беради:

–мил.авв. 329 йилнинг баҳорида Бесс Александрнинг яқинлашишидан қочиб “суғдийлар диёри”га қочади;

–мил.авв. 328 – 327 йилларда бу ҳудуд сатрап Сисимитр томонидан бошқарилган. Александр қўшинлари “Сисимитр қояси”ни босиб олганидан кейин “Хориен қалъаси”ни қўлга олади;

⁹ Арриан Поход Александра (с приложением XVII книги Диодора), 1963; Геродот История, т X, 1972; Квинт Курций Руф История Александра Македонского (кн. VIII. 14)., 1963.

¹⁰ Равшанов П. Қарши тарихи. Т., Янги авлод, 2006, 105-б.

¹¹ История Узбекистана в источниках. Под. Редакции Лунин Б.К., Т., 1984, с. 92.

–Бундан сўнг Александр ва унинг қўшинлари кишки қароргоҳ Наутакага жойлашади.

Бу маълумотдан шуни кўриш мумкинки, Наутака вилоят ёки бошқарув маркази ҳам бўлиши мумкин¹².

Мил.авв. IV асрда Қашқадарё худудида учта вилоят – Наутака, Ксениппа ва Габаза боғланади. Бу ҳақда юнон тарихшуноси Арриан ва римлик Курций Руф маълумот беришади. Юнон муаллифларининг асарлари биз кўриб чиқаётган ўлканинг тарихий географияси долзарб муаммоларини ҳал қилишда муҳим асос бўлади¹³.

Наутака (Навтака) Суғдиёна вилоятидан бири бўлиб, бу сўз “янги қурилиш”, “янги жой” деб таржима қилинади. Арриан асарида Наутака – “Суғдийлар ери” маъносида ёритилган.

Тадқиқотчи Франц Грене “Наутака” топонимини “nava-taka” – “тўққиз дарё диёри” деб изоҳ беради. Самарқанддан темир дарвозагача Жом, Подаёктепа, Калтаминор ва Оқработ орқали ўтган. Улар ўз навбатида тўққизта дарё (шимолдан жанубга Қумдарё, Аёқчидарё, Қашқадарё, Оқсув, Танхоздарё, Қизилдарё, Лангар, Катта Ўрадарё, Кичик Ўрадарё) билан ўзаро кесишган¹⁴.

Б. Ғ. Ғофуров “Точикон” номли асарида Наутакани жой, қалъа маъносида қўллайди: “Александр Наутакани ишғол қилганидан кейин Суғд пойтахти Мароқандга қараб юрди ва уни забт этди”¹⁵.

“Ўзбекистон тарихи манбалари” китобини тузган олим Б.К. Лунин “Навтоқ”қа: “Ҳозирги вақтда Навтака (Наутака) харобасини Марказий Осиёнинг энг катта шаҳарларидан бири – Ерқўрғон деб қарашга барча асослар етарли, чунки унинг ўрнида антик давр Сўғд шаҳрига хос бўлган маданий қатламлар сақланиб қолган”¹⁶, деган изоҳни беради.

¹² Франц Грене Заметки о топониме Наутака // Шахрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни, ҳал. Илмий кон., маърузалар, Т., Фан, 2002, 10 – 11 б.

¹³ Қадимги Кеш – Шахрисабз тарихидан лавҳалар. Тошкент, Шарқ, 1998, 116.

¹⁴ Франц Грене Заметки о топониме Наутака // Шахрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни, ҳал. Илмий кон., маърузалар, Т., Фан, 2002, 10 – 11 б.

¹⁵ Равшанов П. Қарши тарихи. Т., Янги авлод, 2006, 106-б.

¹⁶ История Узбекистана в источниках. Под. Редакции Лунин Б.К., Т., 1984, с. 92.

Қашқадарё вилоятининг қуйи қисмида ўтмиш обидаларини аниқлаш ва тадқиқ этиш бобида узоқ йиллар иш олиб борган қадимшунос олим С.К. Кабанов ёзма манбалардаги бу икки қарашга муносабат билдирмайди, аммо Наутака ва Ксениппанинг ҳозирги Қашқадарё вилоятининг юқори ёки қуйи қисмига тўғри келиши масаласида баҳс юритади. С.К. Кабанов Наутакани ҳам Ксениппани ҳам шаҳарлар тарзида эмас, вилоятлар сифатида қарайди. Ёзма манбаларда икки вилоят – Наутака ва Ксениппалар маълум, - дейди С.К. Кабанов, - уларни тарихчилар ва қадимшунослар Қашқадарё воҳасида деб кўрсатадилар. Бу вилоятлар, албатта, воҳанинг юқори ва қуйи қисмидаги икки қадимий деҳқончилик водийлари – Шаҳрисабз ва Қаршига тўғри келади. Бироқ бу номларнинг ҳозирги жойларига тўғри келиши масаласида тадқиқотчиларнинг қарашларида тафовут бор. С.К. Кабанов фикрига кўра Наутака воҳанинг юқори қисми, Ксениппа эса қуйи қисми, яъни Ксениппа – Нахшоб (Қарши), Наутака эса Кеш (Шаҳрисабз)га тўғри келади¹⁷.

М.Е. Массон эса бунга зид фикрни қўллаб-қувватлайди, яъни, унингча, Ксениппа воҳанинг юқори қисми, Наутака бўлса қуйисида жойлашган. Қадимшунос олим бунда Навтоқнинг – қуйи вилоятнинг асосий шаҳри Ерқўрғон харобаси ўрнига тўғри келишини ҳам қайд этади¹⁸.

Юқоридаги фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, Наутаканинг жойлашуви ҳақида турли фикрлар мавжуд. Жумладан, Наутака бу – Шаҳрисабз шаҳридан Амударёгача чўзилган кенг вилоятнинг номи (В.В. Григорьев), Шаҳрисабз атрофи ерлари (В. Томашек, Ф. Шварц), Қашқадарё воҳаси (К.В. Тревер), Қарши ёки Шаҳрисабз (И.Г. Драйзер), Қашқадарёнинг шарқий қисми (С.К. Кабанов), Қарши воҳаси (М.Е. Массон), Чимқўрғон – Яккабоғ тумани ва Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий ёнбағри (Э.В. Ртвеладзе), Зарафшон тизмасидан бошланган Ўрадарёгача бўлган ҳудуд (А.С. Сагдуллаев)¹⁹.

¹⁷ Кабанов С.К. В оазисах и степях Кеша и Нахшаба. Т., “Ўзбекистон”, 1988, с. 37.

¹⁸ Равшанов П. Қарши тарихи. Т., Янги авлод, 2006, 107-б.

¹⁹ Қадимги Кеш – Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Т., Шарқ, 1998, 126.

Наутака ва Ксениппанинг қайси бири Кеш ёки Нахшобга тўғри келиши тўғрисида олимлар изланишлар олиб бориб, бир тўхтамга келишгани йўқ.

Наутака – Кеш шаҳри тарихини хитой ёзма манбаларида ҳам учратишимиз мумкин. Хитой тарихчилари Кешни турлича номлар билан тилга олишган. Хитой йилномасидан бири “Тяньшу”да Кеш топоними Кюша шаклида 656 – 660 йилларга оид воқеаларда қайд этилган²⁰.

Хитой манбаларидан бири “Катта Хон Уйи тарихи”да Кеш шаҳри Сусе ёки Сухе шаклида учрайди. Яна бир манба “Бейши”да бу ҳудуд Шы ёки Ши тарзида талаффуз қилинган. Уни Ди-чже бошқарган бўлиб, Сўғдда биринчи бўлиб Хитой ҳукмдори Да-ие (605 – 616 йиллар) билан дипломатик алоқаларни ўрнатган²¹.

Хитой манбаларидан бири “Тайпин хуанюйцзи”да кўрсатилишича, “Суй сулоласи даврида Кеш (Шиго) ҳукмдорлари Хитой билан алоқа ўрнатган”, - дейилган. Бу манбадан шуни айтиш жоизки, Кешда маориф V асрдан олдин пайдо бўлган.

Хитой тарихчилари Кеш (Ши)ни “ши” тарзда ёзишган, қадимда эса, “Siesiau”, “Siausie”, “Sie” каби талаффуз қилинган. Н.Я. Бичурин транскрипциясига кўра бу ёзув “шы” тарзида бўлиб, лекин у Хитой манбаларида қадимги Кеш деб кўрсатилган демайди²².

Кешда бўлган Хитой сайёҳлари – будда роҳиблари ўзларининг кундаликлари “Да Тан Сиюцзи”да Киатшанна (Kiat-shang-na, замонавий адабиётларда Sie-shuang-na) Самарқанд (Самоцзян)дан 300 ли узоқликда жойлашган. Тан империяси даврида у Ши деб аталган. Матнларда кўрсатилган Kiat-shang-na маҳаллий аҳоли тилида Киатшана, Кишана ёки Кушания деб талаффуз қилинган бўлиши мумкин.

“Тан сулоласининг янги тарихи” (“Синь Тан Шу”)да кўрсатилишича, Ши Цюйша, Киатшанна деб номланиб, у Думо дарёсининг жанубий

²⁰ Камолиддинов С.Ш. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – XIII вв. Т., Узбекистан, 1996, с.14.

²¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М – Л, Из-во АНССР, 1950-1953, т 2, с. 286.

²² Ходжаев А. Наиболее ранние сведения китабских источников о Шахрисабзе. // Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Тошкент – Қарши, “Фан”, маъруза, 2006, 124 – б.

кирғоғида жойлашган. Шу тарихчиларнинг таъкидлашича, Сяньцин (656 – 661) даврида бу ҳудуд Цюйша деб аталган,... Тяньбао (742 – 755) даврида Тан императорининг буйруғи билан Лайвей деб номланган. Цзюйша топоними “Тайпин хуаньюй цзи”да ҳам учрайди. Биргина “Тан хуэйяо”да бу топоним “цюй” шаклида ёзилган.

Тарихчиларнинг Кеш шаҳри ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлари мавжуд. “Синь Тан Шу”, “Тундянь”, “Тан хуэйяо” ва “Тайпин хуаньюй цзи” маълумотларига кўра Кеш давлати ҳукмдори Дае (605 – 617) даврида ўзининг пойтахт шаҳри Цишини ташкил қилади. “Ци” ёзуви қадимда “kiet” деб, “ши” эса shie деб талаффуз қилинган. Kiet-shie кент (шаҳар), ши топоними эса Кеш маъносини англатади. Кент-Кеш шаҳрининг ҳажми “Бей ши” ва “Суй шу”да кўрсатилишича, Кеш (Ши) давлатининг пойтахти 1,14 км.ни аскарлари эса 1000 кишидан кўпроқни ташкил этган²³.

Шунингдек бу маълумотлардан ташқари Хитойнинг Цзин сулоласи (265 – 419) хронологияси маълумотлари ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, шу пайтгача Сирдарё оқими ўртасида жойлашган Кангюй давлати подшосининг қароргоҳи Қашқадарё водийсига кўчирилган. Шундай қилиб, милоднинг III – IV асрларида Жанубий Суғдда Абтат сулоласининг ягона давлати барҳам топгач, мустақил ерларда – Самарқандга тобе бўлган Ши (Кеш) ва Нашебо (Нахшаб) пайдо бўлган²⁴.

Бироқ ушбу вазият милоднинг IV асри 2-ярми ва V аср бошида яна ўзгарган ҳамда Жанубий Суғд ҳудуди ягона ўлкага бирлашган. Ёзма манбалар ва нумизматик маълумотлар ҳам шундан дарак беради. Шу вақтдан то VII аср бошигача Жанубий Суғд ҳудудида танга олд томонини бир ёнининг сочи ўзига хос тарзда турмакланган ҳукмдор, унинг ёнида эса икки сўздан иборат суғд афсонаси, танганинг орқа томонида орқа оёғида тик турган шерни қилич билан мағлуб этган баҳодир (қаҳрамон, шоҳ)

²³ Ходжаев А. Наиболее ранние сведения kitabских источников о Шахрисабзе. // Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Тошкент – Қарши, “Фан”, маъруза, 2006, 119 – 128 б.

²⁴ Қарши. Кичик альбом, Т., Маънавият, 2006, 20-б.

тасвирланган қадимги мессопотам – эрон лавҳаси акс эттирилган мис танга зарб этилган.

С.Кабановни қайд этишича, бу тангаларни асли келиб чиқиши кушонлик бўлган Нахшаб ҳукмдорлари зарб этган. М. Массон эса, аксинча, бу тангалар милоднинг III – IV асрларида аршакийлар сулоласининг авлодлари томонидан зарб этилганини таъкидлайди. Лекин уларнинг фикри суғд афсонасини нотўғри ўқигани ва тушунганига асосланган. Афсонанинг биринчи сўзи, В. Лившицнинг изоҳлашича, КЎНК MLK – Кеш подшоҳи сўзини англатади. Бундан ташқари, ундаги иккинчи ҳарф – у, бутун афсона эса КЎНК MR` [V] деб ўқилади. Тадқиқотчиларимизнинг фикрига кўра, бу тангаларда Кеш топоними, А – 4 рақамли оромий ҳужжатидаги каби КЎ – Кеш деб берилган²⁵.

Хитой йилномаларидан бирида Кеш Цзюйша ёки Цзешуанна, шаҳар ҳукмдорини эса Циши деб атаганлар²⁶. Суғдиёнада 639 йилда бўлган хитой сайёҳи Сюан – Цзан Кешни Цзешуанна деб атаган²⁷.

Қадимги ёзма манбаларда Қанг давлати таркибига бешта вилоят кирганлиги таъкидлаб ўтилади. Булар: Су–се, Фуму, Юни, Ги, Юегянь вилоятлари. Турли манбаларда бу ҳудудларни географик жойлашиши турлича берилган. С.П. Толстов хитой манбаларида айтилган бу беш ҳудудни қуйидагича изоҳлайди: Сусе – Қашқадарёдаги Кеш, Фуму – Зарафшондаги Кушон, Юни – Шош (ҳозирги Тошкент), Ги – Бухоро, Юегянь – Хоразм (Урганч)²⁸. А.Н. Бернштам эса Юни – Тошкент ҳудуди, Сусе – Сирдарёнинг ўрта оқими, Фуму – Янги Қўрғон (Казалинс оролида), Ги – Сирдарёнинг қуйи оқими, Юегянь – Хоразм деб ҳисоблайди.

Хитой манбаларида Самарқанд ва унинг атрофидаги ерлар Кан деб аталган. Кан бу бутун Суғдиёнани ифодаловчи ном ҳам бўлган. Ань (Бухоро), Цао (Самарқанд ғарбидаги чўл ерлар), Ши (Кеш), Нашебо

²⁵ Қарши. Кичик альбом, Т., Маънавият, 2006, 20-21 б.

²⁶ Бичурин Н.Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М. – Л., 1950, с.316; Чориев А., Ҳамроев Т. Кеш – манбаларда. // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни, халқаро илмий конференция, маърузулар, Т., Фан, 2002, 25 б.

²⁷ Равшанов П. Қашқадарё тарихи. Тошкент, Шарқ, 1998, 116.

²⁸ Толстов С.П. По следам древне Хорезмской цивилизации. М., 1948, с144.

(Нахшаб), Унагэ (Чоржуй) Кан хукмронлигига тобе бўлган вилоятлар ҳисобланган²⁹.

Бу манбалардан кўриниб турибдики Кешнинг Сусе, Цзейшуанна, Цзюйша ва Ши шаклини Хитой манбаларида учратиш мумкин.

Катта Хан Уйи тарихига кўра, мил.авв. II аср охири ва милоднинг I асрида Ўрта Осиёдаги икки дарё ораллиғидаги бутун ҳудуд Кангюй давлатининг улкан конфедератив таркибига кирган. Унинг қарамоғида бешта кичик ер бўлгани юқорида келтириб ўтилган. Улардан бири Сухэ ёки Сусе Кеш ўрнида жойлашган. Сухэ шаҳридаги қадимги ерлар – “Ши ери” (яъни, Нахшаб), Кюйша, Гиешуанна (яъни, Кеш) кичик Кангюйга қарашли бўлгани тўғрисидаги фикр Хитойнинг Таншу хроникаси маълумотларига асосланган³⁰.

Таншу маълумотларига кўра, Ши ва Гиешуанна Кангюйнинг ягона Сусе – Сухэ ерларини ташкил этган. Буни нумизматик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Тадқиқотчи олимларимиз фикрига кўра шаҳар номининг дастлабки кўриниши Кишан ёки Кешан бўлган. Тангалардаги суғдча матнларда у KSnK сифатида ёзилади ва ت суффиксли KSn сўзидан таркиб топади. Хитойчада қисқа Цзюйша – Кюйша билан бир қаторда Цзюйшуанна шаклидаги тўлиқ ёзуви ҳам учраши бежиз эмас³¹. Бу икки шакл таомилда бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган бўлиши мумкин, лекин кейинчалик VIII асрдаёқ қисқа шаклдаги Кеш – Киш номи анча тўлиқ Кешан – Кишанни суриб чиқарган.

Мусулмон ёзма манбаларида Кеш номи даставвал VII аср охири VIII аср бошларида қўлланилган.

Уларда шаҳар номининг Каш, Киш ва Кеш каби шаклда ёзилиши учрайди. Бироқ улардан қай бири нисбатан тўғрироқ эканлиги масаласи ноаниқлигича қолмоқда. Тангалардаги суғдча матнларда бу сўз доим унлисиз – KS шаклида берилади. Илмий адабиётда ва муомалада Кеш номи қарор

²⁹ Равшанов П. Қашқадарё тарихи. Тошкент, Фан, 1995.120б.

³⁰ Қарши. Кичик альбом, Т., Маънавият, 2006, 16-17 б.

³¹ Бичурин Н.Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М. – Л., 1950, с.316

топган, бироқ бу топонимнинг тўғри номи Кеш ёки Кисс ҳам бўлиши мумкин-ки, Йоқут айнан шу атамани Ибн Мукулга суянган ҳолда илгари сурган³².

Араб – форс манбаларида бу номнинг уч хил шакли: Кишш, Кисс ва Кашш қабул қилинган. Ас-Самъаний XII асрнинг биринчи ярмида Кеш худудида ўн икки кун бўлиб, Кеш талаффузда Кашш шаклида тарқалганлигини аниқлади. Йоқутнинг таъкидлашича Кисс шаҳарнинг арабча талаффузи. Йоқутнинг маълумотига кўра XI асрда маҳаллий аҳоли орасида Киш шаклида талаффуз қилинган. Беруний Каш маҳаллий шакл, Кас эса форсий шакл деб айтган³³.

“Худуд ал-алам” асарида фақат биргина Киш шакли учрайди. Тожикистоннинг Муғ тоғидан топилган Суғд манбаларида “кешликлар” “Кешда яшовчилар” сўзи учрайди³⁴.

Тожикистонда Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”си³⁵, Абу Райҳон Берунийнинг “Осор ул-боқия”³⁶ асари чоп этилганди. Бу китобларда Қашқадарё воҳасида VIII асрларда кечган араблар истилоси, Муқанна бошлиқ халқ исёни ҳақида қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самонийнинг (1113 – 1167) “Китоб ал-ансоб” қомусий асарида Ўрта Осиё табиати, хўжалиги, шаҳарлари, олим ва фузалолари ҳақида қимматли маълумотлар берилган, Кеш алоҳида вилоят сифатида тавсифланган. Кеш шаҳри Нахшабга нисбатан кичикроқ ва маҳаллий аҳоли шаҳар номини “Кишш” шаклида талаффуз қилади, дейилади³⁷. Ушбу асарда Насаф ва Кеш вилоятларидаги 70 дан ортиқ қишлоқлар, қасабалар тилга олинган³⁸.

³² Бартольд В.В. Кеш. Соч, т III, М., 1965, с460.

³³ Камолиддинов С.Ш. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – XIII вв. Т., Узбекистан, 1996, с.14

³⁴ Камолиддинов С.Ш. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – XIII вв. Т., Узбекистан, 1996, с.15.

³⁵ Низомулмулк. Сиёсатнома, 1989.

³⁶ Абу Райхон Беруний Осор ул-боқия, 1990.

³⁷ Камолиддинов С.Ш. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – XIII вв. Т., Узбекистан, 1996, с.15.

³⁸ Равшанов П. Қарши тарихи. Т., Янги авлод, 2006, 11-б.

XX аср тадқиқотчи олимлари томонидан ҳам Кеш тарихи тўғрисида бир қатор манбалар мавжуд.

Археолог олим А.С. Сагдуллаев Кешни Ҳозирги Китоб ўрнида деб кўрсатади.

Кўп тадқиқотчилар Каш топонимини Қашқадарё водийсидаги Кеш билан айнан бир жой деб ҳисоблашади. В.П. Луконин эса бу жой Қошғар бўлиши мумкин деб ҳам тахмин қилади³⁹.

В.В Бартольд Каш (Кеш) шаҳрининг ҳозирги пайтда Шаҳрисабз деб аталиши, унинг Самарқанд ва Балх савдо йўли бўйида жойлашганлигини қайд этган⁴⁰.

В.В. Бартольд Кеш номини маъқул топган, шундан сўнг бу ном илмий адабиётларда кенг қўлланила бошлаган. Ваҳоланки Киш шакли тўғрироқлигига ҳам асослар кам эмас.

³⁹ Луконин В.Г. Культура Сасанидского Ирана. М., 1969, с. 126.

⁴⁰ Бартольд В.В Кеш, соч, т. III, М., 1965, с.460.

1.2 Наутака ва Нахшабнинг археологик жихатдан ўрганилиши.

Наутака – Кеш шаҳри тарихини ёзма манбаларини кўздан кечирав эканмиз, XX асрга келиб бир қанча археолог олимларимизнинг изланишларига гувоҳ бўламиз.

Рус қўшинлари 1870 йилда Шаҳрисабз ва Китобга юриш қилиб, уларни эгаллагач, Туркистон генерал-губернаторлиги бу шаҳарлар ўтмиши билан кизиқа бошлади⁴¹. Шаҳрисабзга зобитлар ва турли идоралар амалдорлари (таржимон И. Бекчурин, суратчи П.Е. Кривцов, ёзувчи В.В. Крестовский, топограф Н.Д. Ситняковский) келиб, ўзларининг йўл хотираларини қолдиришди⁴².

Китоб – Шаҳрисабз воҳасини археология нуктаи назаридан ўрганишни кўздан кечирав эканмиз, 1920 йилгача бу ҳудуд Бухоро амирлиги таркибига кирганлиги боис қазилар ишлари энг янги даврдагина бошланди. Айниқса, Шаҳрисабзнинг Ўрта Осиё қадимий ва санъат ёдгорликларини ҳимоя қилиш комитети (Средазкомстарис) томонидан муҳофазага олинган меъморий обидалари шарқшунос олимларни ўзига жалб қилди. Бу ишларнинг натижаси сифатида шаҳар обидалари альбоми яратилди. 1925 йилда Шаҳрисабзга В.В. Бартольд, В.Л. Вяткин, санъат тарихчиси В. Денике, немис санъатшуноси Э. Кон-Винерлар келишди. Туркистон шарқшунослик институти талабаси А.Е. Миджи рус география жамиятининг Тошкентдаги Туркистон бўлими этнография ва археология секцияси мажлисида Китоб ва Шаҳрисабзнинг қадимги ёдгорликлари тўғрисида ахборот берди⁴³.

1926 йилда тарихий топографияни ўрганиш учун Шаҳрисабзга А.Ю. Якубовский жўнатилди⁴⁴.

⁴¹ Аминов Г. Краткие исторические сведения о прежних отношениях Бухары к Шахрисабзу // Туркестанские ведомости 1970 №11.

⁴² Крестовский В.В. Гостях у эмира бухарского СПб., 1887.

⁴³ Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Темуре и Улугбеке // Археология Средней Азии. II труды САГУ. Вып. 61 кн. 6. Т., 1953 с.18.

⁴⁴ Якубовский А.Ю. ГАИМК-ИИМК и археологическое изучение Средней Азии за 20 лет // КСИИМК. VI М. – Л., 1940, с. 16-17.

1942 йилда М.Е. Массон ва Пугаченковалар Шахрисабзга қадимги ёдгорликларни ва тарихий географик жой номларини аниқлаш учун археологик изланишлар олиб боришди. Уларнинг аниқлашича илк шаҳар кўринишидаги ва ўрта асрлардаги ҳақиқий Кеш кўпроқ ҳозирги Китоб ўрнига тўғри келади⁴⁵.

Уларнинг олиб борган изланишлари давомида аниқланган маълумотларга кўра, шу ерда яшаган кексалар қадимги шаҳар Киш ёки Кишт деб айтилганини эслаб, “Қайиқ” сўзидан олинган деб таъкидлашади⁴⁶. Кейинчалик бу ном ҳам, бу шаҳар аҳолиси ҳам шаҳар таназзулга учраганидан сўнг Катлас қишлоғи яқинидаги катта бир қишлоққа Китобдан 70 км шарққа кўчган ва бу ҳудуд Шаҳри-и Кишт деб аталган.

М.Е. Массоннинг таъкидлашича, Кеш вилоятининг ўрта асрлардаги ғарбий чегараси ҳозирги Қамайтепа харобаларидан (Кеш – Насаф йўлида) то Баҳринтепа харобалари (Қашқадарё ўзани яқинида)гача ўтказилган шартли чизик бўйлаб ўтар эди. Манбалардаги маълумотларга кўра Кеш вилояти бўйига ҳам, энига ҳам 4 кунда босиб ўтиладиган йўлга тенг ҳудудни эгаллаган⁴⁷.

Водий ҳудудидаги манзилгоҳларни археологик ўрганишнинг илк босқичи С.К. Кабанов 1946 – 1950 йилларда олиб борган қидирув тадқиқотлари билан боғлиқ бўлганди. Бир қатор туманларни, шу жумладан Китоб туманини ҳам ўрганиш мақсадида айланиб чиқишдан кўзланган мақсад “синфлар пайдо бўлгунча амал қилган жамиятлар обидаларини” аниқлашдан иборат бўлган⁴⁸. 1951 йилда водийнинг марказий қисмида Китобдаги қадимги Қаландартепа шаҳри қалъасида қазиш ишлари олиб борилди. Топилган археологик мажмуа мил.авв. III милодий V асрлага оид,

⁴⁵ Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиция ТашГУ (КАТЭ) по изучение восточной половины кашкадарьинской области Уз ССР 1966.// научных трудов ТашГУ №533, Т., 1977, с.5.

⁴⁶ Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиция ТашГУ (КАТЭ) по изучение восточной половины кашкадарьинской области Уз ССР 1966.// научных трудов ТашГУ №533, Т., 1977, с.5

⁴⁷ Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиция ТашГУ (КАТЭ) по изучение восточной половины кашкадарьинской области Уз ССР 1966.// научных трудов ТашГУ №533, Т., 1977, с.3-63.

⁴⁸ Кабанов С.К. Археологические разведки в Шахрисабзском оазисе. Изв. АН УзССР, 1951, №6; шу муаллиф Археологические разведки в Верхней части долины Кашкадарьи // Тр. ИИААН УзССР, Т., 1955, вып 7, с.77.

деб топилди⁴⁹. Тадқиқотчининг ҳисоб-китобига кўра, шаҳар майдони 15 га га етган. Бу шаҳар илк ўрта асрлар даврига қадар Су-се – Кеш вилоятининг маркази бўлган ва кўп қисми Евкратит зарб қилдирган юнон-бактр тангаларидан иборат бўлган хазина айти Китобдан топилган, деган хулосага келинди⁵⁰. Умуман, С.К. Кабанов Қаландартепа ва Қўрғонтепага монанд қишлоқ типигаги кўплаб манзилгоҳларни аниқлади ва уларни истиқболда ўрганиш натижа беришини таъкидлади.

Чунончи “VIII – XII асрларда Жанубий Суғд шаҳарлари” китобининг муаллифи С.Б. Лунина Кеш шаҳри ўзининг дастлабки ўрнидан ҳозирги “Шахрисабз” йўналиши бўйлаб бир қадар силжиганлигини қайд этиб ўтади⁵¹.

50-йилларда С.К. Кабанов томонидан Танхоздарё ва Яккабоғдарёнинг қуйи оқимида олиб борилган тадқиқотлар давомида илк темир даврига оид илк манзилгоҳлар – Жартепа 1, Янгитепа ва номсиз тепалар аниқланди⁵².

60-йиллар бошларида республика жануби ўтмишини тадқиқ этиш ишларига М.Е. Массон, А. Асқаров, З.И. Усмонова сингари таниқли олимлар ҳам бош қўшадилар-ки, бу шубҳасиз, жуда катта илмий самаралар беради. Айниқса, 1963 – 1964 йилларда Тошкент Давлат Университетида Кеш археология ва топография экспедициясини ташкил этилиши, унга М.Е. Массоннинг раҳбарлик қилиши Қашқадарёнинг қадимий ёдгорликларини текшириш, уларнинг тарихий аҳамиятини очиб беришни жонлантириб юборади.

Қадимшунос олима З.И. Усмонова ТошДУ археология кафедрасида ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида мустақил археологик экспедициялар ташкил этиш масаласи кун тартибига қўйилганлиги, бунда асосий ўрганиш минтақаси сифатида Қашқадарё воҳаси танланганлиги ҳақида шундай фикр юритади:

⁴⁹ Кабанов С.К. Керамический комплекс из наслоений древнего городища в Китабе // ИМКУ. Т., 1962, вып.3, с.42 – 53.

⁵⁰ Кабанов С.К. Археологические разведки в Шахрисабзском оазисе. Изв. АН УзССР, 1951, №6; с.109.

⁵¹ Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII – XII вв., Т., 1984, с.23.

⁵² Кабанов С.К. Археологические разведки в Шахрисабзском оазисе. Изв. АН УзССР, 1951, №6; с. 61-68; Кабанов С.К. Археологические разведки в верхней части долины Кашкадарьи. // Труды ИИА АНУзССР, 1955, вып.7, с. 77-85.

“Кафедра хузурида мустақил археологик экспедиция ташкил қилиш масаласи кўндаланг бўлди. Бунда археологик жиҳатдан кам текширилган Қашқадарё вилояти танланди. Чунки бу вилоят қадимий Суғднинг жанубий қисми (Кеш - Насаф) бўлиб, ёзма манбаларда зикр этилган эди”⁵³.

60-йиллар бошларидан эътиборан Қашқадарёнинг қадимий обидалари археологиясини ўрганиш кенг қамровли тус ола бошлайди. Қадимшунослар, санъатшунослар жанубий воҳанинг ҳали қўл урилмаган осори атиқаларини кунт ва сабот билан тадқиқ этишга киришадилар. Н.П. Столярова⁵⁴, Р.Р. Абдурасулов, Л.И. Ремпель⁵⁵, Н.И. Крашенинникова⁵⁶, С.Б. Лунина⁵⁷ каби тадқиқотчилар Қашқа воҳасининг кечмиши ва қадим маданияти ҳақида фанга сезиларли янгиликлар олиб кирдилар.

Қашқадарё водийси шарқий қисми ёдгорликларини археология нуктаи назаридан ўрганиш 1963 йилда, М.Е. Массон томонидан КАТЭ – Кеш (Қашқадарё) археология-топография экспедицияси тузилгач, бошланди. Шу экспедиция йўли билан З. Усмонова томонидан 1963 – 1965 йилларда ўрта асрлар Шаҳрисабзи қалъа деворлари, шаҳарнинг Амир Темур ва Темурийлар давридаги тарихий топографияси масалалари ўрганилди⁵⁸. Шунингдек, Китоб худудидаги антик шаҳар қазилмалари материаллари ҳам тадқиқ этилди. Қўлга киритилган материаллар масалага бир қанча тузатишлар киритди: тадқиқотлар шаҳар майдони камида 40 га, қалъа майдони эса – 1 га га яқин бўлганини кўрсатди⁵⁹. Топография, архитектура ва археология мажмуалари

⁵³ Усманова З.И. Кафедра археологии ТашГУ – 50 лет. // Древняя и средневековая археология Средней Азии – Т.: Фан, 1990, с. 11.

⁵⁴ Столярова Н.П. К характеристике керамического материала XII – XIII вв. ряда памятников долины Кашкадарьи. – В сб.: Труды ТашГУ вып. У. 1960.

⁵⁵ Абдурасулов Р.Р., Ремпель Л.И. Неизвестные памятники архитектуры бассейна Кашкадарьи // из материалов искусствоведческой комплексной экспедиции института искусствоведения АН Уз ССР, 1961г. В кн.: Искусство зодчик Узбекистана. Т 1, - Т.: 1962.

⁵⁶ Крашенинникова Н.И. Разрез крепостной стены древнего Кеша. // ОНУ – Т.: 1968, №8.

⁵⁷ Лунина С. Б. Работа на Алтын-депе. – АО, М., 1969; Усмонова З.И. билан ҳамкорликда: Работы Кешской археолого-топографической экспедиция. – АО, 1968г., М., 1969.

⁵⁸ Усманова З.И. Новые данные к исторической топографии г. Шахрисабза // Материалы сессии, посвященной итогам археологических и этнографических исследований 1964 г., в СССР (тез.док.). Баку, 1965; шу муаллиф. Историческая топография Шахрисабза в свете новых данных // Археология Средней Азии. Сб. научных трудов. ТашГУ №533., Т., 1977

⁵⁹ Крашенинникова Н.И. Изучение цитадели Кеша // АО 1977, М., 1978. с.527.

тўғрисидаги тасаввурлар кенгайди., антик даврдаги майда ҳайкалтарошлик бўйича маҳаллий мактаб хусусиятлари тўғрисидаги масала қўйилди⁶⁰.

Ўтган асрнинг 70 – йилларида Шарқий Қашқадарё ва унинг пойтахти Шаҳрисабзнинг сўнги ўрта асрлар меъморий ёдгорликларига бағишланган икки асар чоп этилди⁶¹. Шу йилларнинг ўзида илк ўрта асрлар, шунингдек, ривожланган ўрта асрлар⁶² обидалари кенг миқёсида қазиб ўрганилди, улардаги иш натижалари махсус тадқиқотда яқунланди⁶³.

XX асрнинг 70 – 80 йилларида Н.И. Крашенинникова раҳбарлигидаги археология отряди Китоб туманининг шимолини текширди. Шўробсой дарёси бўйлаб антик даврга оид мустаҳкамланмаган манзилгоҳлар аниқланди. Бу манзилгоҳлардан ташқарида кулоллик ишлаб чиқариш излари ҳам сақланиб қолганди⁶⁴. Илк темир – илк антик давр манзилгоҳининг топилиши катта воқеа бўлди. Қудратли мудофаа иншоотига эга бўлган Узунқир шаҳрини (70 га) ҳамда унга ёндош Сангиртепа, Подаётотепа, шунингдек, қишлоқ типдаги бир қатор манзилгоҳларни ўрганиш натижасида тадқиқотчилар водийнинг бутун вилоятига ном берган қадимги маркази – Наутака айни шу ерда, дарёнинг ўрта оқимида жойлашган, деган хулосага келишди⁶⁵. Қазилар ишлари бу манзилгоҳлар эллин даврининг бошидаёқ обод қилинган бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Булардан шимолда, тоғолди ҳудудларида жойлашган, илк темир давридаёқ ўзлаштирилган ва бутун антик давр мобайнида обод қилиб қилинган Макрид воҳасидаги обидалар ҳам Шўробсой воҳаси таъсир доирасига кирган⁶⁶. Тирнасойнинг юқори оқимида, илк ўрта асрлар манзилгоҳи қатламлари

⁶⁰ Крашенинникова Н.И. Прошлое Китаба // Вехи времен. Т., 1989. с.27 – 31; шу муаллиф. Два комплекса керамики II – I вв. до н.э. из нижних слоев Китаба // Археология Средней Азии. Сборник научных трудов ТашГУ. Т., 1977, №533, с.77 – 93.

⁶¹ Маньковская Л.Ю. Неизвестные памятники XVI – XIX вв. в Кашкадарьинской области // Журнал: Строительство и архитектура Узбекистана, 1970, №6; Архитектурные памятники Кашкадарьи. Т., Узбекистан, 1979; Пугаченкова Г.А. Термез, Шаҳрисабз, Хива. М., 1976.

⁶² Лунина С.Б. Разведочное обследование группы средневековых городищ и поселений долины Кашкадарьи // сборник научных трудов ТашГУ. Археология Средней Азии. Т., Издат-во ТашГУ, 1977, №533.

⁶³ Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII – XII вв., Т., Фан, 1984.

⁶⁴ Крашенинникова Н.И. Работы в Кашкадарьинской области // АО, 1979, М., 1980, с.449 – 450.

⁶⁵ Крашенинникова Н.И. Раскопки в Китабском районе // АО 1983. М., 1985, с.533 – 1986. с.461.

⁶⁶ Крашенинникова Н.И. Древнеземледельческий оазис Южного Согда // АО 1984., М., 1986, с.461

остида Қашқадарё воҳасидан деҳқонлар томонидан дастлабки ўзлаштирилган даврга оид материаллар топилди⁶⁷.

Шу пайтнинг ўзида Шаҳрисабз туманида жез болта ва ханжар топилди, бу ҳол Кешда қадимги деҳқонларнинг мил.авв. IV - III асрлардаги Анау ва Саразмда шаҳар вужудга келишидан олдинги маданиятига монанд маданияти ривожланганидан дарак беради.

1972 йил С.К. Кабанов ва Х. Дукелар Чимкўрғоннинг жанубий кўрғонидаги Чирокчитепа манзилгоҳида қазув ишларини олиб боришди⁶⁸.

1976 – 1979 йилларда Тошкент Давлат Университети археологик экспедицияси А.С. Сагдуллаев раҳбарлигида тадқиқот ишлари Шарқий Қашқадарёда давом эттирилиб, бу ҳудуддан илк темир даврига оид тўққизта манзилгоҳ – Даратепа, Қайрағочтепа 1, Самантепа 3, Тўртбурчактепа 1,2,3, Кўзатепа, Қўрғонча, Бешқўтонтепа манзилгоҳлари ўрганилди⁶⁹.

XX асрнинг 70 -80 йилларида Қашқадарё шарқий қисмининг археологик харитасини тузиш бўйича кенг миқёсида олиб борилган иш жараёнида антик ва ўрта асрлар даври ёдгорликларини районлаштириш ва типларга ажратиш, шунингдек, дастлабки деҳқонлар гуруҳлари келган даврдан бошлаб минтақа маданиятининг ривожланиши масалалари кўриб чиқилди⁷⁰. Шарқий Қашқадарёдаги урбанизация хусусиятларининг умумий белгилари ажратиб кўрсатилди⁷¹. Ўрта Осиёнинг жануби ва марказини Жанубий Суғд орқали боғловчи ҳамда қадимги даврлардан буён мавжуд бўлган кўҳна йўллар муаммоси алоҳида қўйилди⁷². Водийнинг жанубий қисмидаги қадимги йўллар билан манзилгоҳларнинг жойлашуви

⁶⁷ Раимкулов А., Исамитдинов М. Турткультепа – новый памятник финальной бронзы в Южном Согде // Археологические работы на новостройках Узбекистана. Т., 1990.

⁶⁸ Дуке Х. Чиракчинское поселение. // ИМКУ. Вып.17, Т., Фан, 1982, с. 19-29.

⁶⁹ Сагдуллаев А.С. Древне согдийские памятники.// АО – 1978, М., 1979, с. 560; Сагдуллаев А.С. Поселения раннежелезного века в бассейне Кашкадарьи . // СА. 1984, №3, с. 154-158.

⁷⁰ Сагдуллаев А.С. Особенности оседлого в Южном Согде в эпоху античности // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда (античность – раннее средневековье) (материалы советско - французского colloquium, Самарканд, 1986 . Т., 1987, с.131 - 134)

⁷¹ Лунина С.Б. Характер процесса урбанизации и особенности городов в долине Кашкадарьи // Тез.док. региональной конф. «Зоны и этапы урбанизации». Наманган, 1989, Т., Фан, 1989. с.77.

⁷² Сагдуллаев А.С. Древние пути на юге Узбекистана // ОНУ 1981., №7, с.33 – 38.

хусусиятлари ва топографияси, шунингдек, фойдали қазилмалар манбалари ўртасидаги боғлиқлик кўрсатилди⁷³.

70-йилларда ўтказилган илмий тадқиқот кўлами ғоятда кенг бўлиб, у воҳанинг юқори қисмидаги Лангар, Китоб, Яккабоғ, Кеш ҳудудларидаги қадимий ёдгорликларни кенг қамровли текширишга қаратилган эди. Шу даврда қасрлар, қўрғонлар вайроналари каторида алоҳида турар жойлар ўринлари ўрганилди. Қўрғонлар, қалъалар қазилар экан, уларнинг муҳофаа иншоотларини кўздан кечириш ҳам унитилмайд.

Республика қадимшунослари 80-йилларда ҳам Қашқадарёга бўлган қизиқишни сусайтирмадилар. Бу ўн йилликда С.Б. Лунина ўрта асрлар даври Шарқий Қашқадарёнинг шаҳар ва қишлоқларини ўрганиш ишлари билан шуғулланади. Унинг ишида Жанубий Суғднинг урбанизация муаммолари, археологик манбалар орқали шаҳар турлари, уларнинг қишлоқ манзилгоҳлари билан алоқалари ўз аксини топган⁷⁴. Н.П. Столярова, Г.Я. Дресвянская, Х. Дуке, Н.М. Ермолова, З.И. Усмонова, Н.И. Крашенинникова, А.П. Пестряков, Т.Р. Муҳаммаджонов, Е.Б. Пругер, Э.В. Ртвеладзе, А.С. Сагдуллаев, Р.Х. Сулаймонов ва М. Тўрабеков каби археологлар воҳанинг қадимиятига оид янги қирраларни кашф этадилар. Шу йилларда тадқиқотчи Г.Я. Дресвянская Жанубий Суғднинг илк темир даври маданияти муаммоларини ўрганиб, бир қатор ёдгорликларда тадқиқотлар ўтказди⁷⁵.

Археологик изланишлар Қашқадарё воҳасидаги қадимий ҳаёт изларининг шажараси ибтидоий замонларга бориб тақалишини Нахшаб, Қаландартепа, Заҳоки Морон қалъаси, Бўрижарсой, Узункир ва бошқа обидалар мисолида намоён этди. Воҳадаги ибтидоий ҳаёт, аниқроғи, илк

⁷³ Дресвянская Г.Я. Южносогдийские трассы Великого шелкового пути // Формирование и развитие трасс Великого шелкового пути в древности и средневековье. Симпозиум ЮНЕСКО. Тез.док.. Самарканд – Ташкент, 1990. с.56 – 58.

⁷⁴ Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII – XII вв., Т., Фан, 1984.

⁷⁵ Дресвянская Г.Я. К районированию археологических памятников раннего средневековья (по материалам Яккабагского района) // ОНУ, 1985, №10, с. 25-28; Дресвянская Г.Я. Средневековые памятники в западной части Яккабагского района. // материалы по истории, историографии и археологии. Сборник научных трудов. ТашГУ, №582, Т., 1981, с. 21-30.

темир даври О.Н.Лушпенконинг эътиборини⁷⁶ ўзига тортади. Бу ҳам ҳали кадимшуносларга яна узоқ йиллар янгидан-янги моддий ашёлар кашфиёти хусусида мулоҳаза юритишга имкон беради.

1998 йилдан буён ЎзМУ археология кафедраси ЎзФА археология отряди ва Беркли университети (АҚШ) Подаётктепа шахрида янги техника воситаларини қўлланиш ва қазилар ишларини олиб бориш орқали археология ёдгорликлари мажмуини тузиш бўйича ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. 2001 йилда Колорадо Университети билан бирга Шарқий Қашқадарё худудида тош асри ёдгорликларини тадқиқ қилиш ишлари бошланди.

2001 йилда бир қанча археологик кашфиётлар қилинди. Қашқадарёнинг ўнг соҳили бўйлаб ўтказилган қидириш ишлари жараёнида Китоб шаҳридан 23 км шимоли-ғарбда, Оёқчисой водийсини ўрганиш чоғида бир қанча ғорлар топиб, текширилди. Иккита ғордан тош асри одами ҳаёт фаолияти қолдиқлари топилди. Бу ҳолат Кеш худуди палеолит давридаёқ ўзлаштирилганидан далолат беради⁷⁷.

2003 йил Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси археология институти Беркли (АҚШ) университети билан ҳамкорликда Шўробсой воҳасидаги Сангиртепа ёдгорлигида қазилар ишларини олиб боришди. Тадқиқот давомида антик даврга оид ибодатхона ўрганилди⁷⁸.

1946-1948 йилларда республика Фанлар Академиясининг тарих ва археология институти Қарши ва яқин туманларда қазув-текширув ишларини ўтказди. Қашқа воҳасининг қуйи қисмида 70 га яқин ўтмиш ёдгорликлари ҳисобга олинади. Дастлабки тадқиқот ишлари Кожартепа, Мудинтепа ва Ерқўрғон худудларида ўтказилади.

⁷⁶ Лушпенко О.Н. К истории изучения поселений раннежелезного века долины Кашкадарьи // Древняя и средневековая археология Средней Азии. Т., Фан, 1990, с. 26.

⁷⁷ Шахрисабз 2700 минг йиллик мерос. Альбом, Тошкент, Шарқ, 2002, 149б.

⁷⁸ Хасанов М., Мехендали С. Раскопки на Сангиртепе в Кашкадарье. // Археологические исследования в Узбекистане 2003 г., Вып.4, Т., «Узбекистон миллий энциклопедияси», 2004, с. 183.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг С. К. Кабанов Нахшаб воҳаси археологик ёдгорликларини ўрганишга киришади. С.К.Кабанов ўзининг илмий изланишларига қуйидагиларни асос қилиб олди:

- топономикага оид маълумотлар тўплаш;
- воҳа шаҳарлари қурилишини ўрганиш;
- Нахшаб халқининг тарихи, маданияти ва савдо-пул муносабатларини ўрганиш;
- воҳанинг этник қатламлари ўрганиш.

Иккинчи жаҳон урушидан олдин Ўзбекистондаги қадимият ёдгорликларини ўрганиш асосан Самарқанд, Хоразм ва қисман Сурхондарё, Бухоро вилоятларида олиб борилган эди. Урушдан олдинги йилларда Қашқадарё воҳаси, унинг ўтмиши, тарихий обидалари қадимшунослик илмининг эътиборидан четда қолган эди. Кейинчалик, Қашқадарё обидаларини ўрганишга жуда катта меҳнати сингган археолог С.К.Кабанов шундай деган эди:

«Қашқадарё воҳасига, ўз тарихи ва обидалари билан машҳур бўлган Зарафшон ва Амударёнинг ўрта оқими воҳаларидан фарқли ўлароқ, қадимий ва ўрта сарлардаги давлат тузилмаси бўлган вилоят сифатида қаралди. Унинг қадимий обидаларига етарли эътибор берилмади. Аста-секинлик билан ўлканинг бой ўтмишини очиб берувчи қадимшунослик ишлари олиб борилди».⁷⁹

Урушдан кейин республика Фанлар академиясининг тарих ва археология институти Қашқадарёнинг ўтмиш обидаларини ўрганишни ва тадқиқ этишни режалаштиради. 1946 йилдан бошланган иш ўз натижаларини беради. Археологик тадқиқотлар асосан қуйи Қашқадарёда олиб борилади. Археологик қазув ишларининг дастлабки самаралари ҳақида С.К.Кабановнинг мақола ва ахборотлари эълон қилинади. 1947 йилда унинг Ўз ССР Фанлар академияси бюллетенида «Кўҳна Фазли шаҳаридан топилган Сэнмурва тасвири» мақоласи босилади. Шу йили унинг «Қашқадарёнинг

⁷⁹ Кабанов С.К. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III–VII вв.), 1977. 3-бет

қуйи қисми ёдгорликлари архитектура тавсифи» ҳисоботи ёзилади. 1946-1948, 1952-1953, 1964-1967 ва 1970-1972 йиллар давомида Қашқа воҳасида 12 бор қазув мавсумини ўтказган С.К.Кабанов 50-60 йилларда, шунингдек, 70-йиллар бошида Қашқадарё қадимиятига бағишланган кўпгина мақолалар, рисоалар эълон қилишга муваффақ бўлади.

Қашқадарёнинг қуйи қисмида нисбатан қисқа фурсатда ўтказилган қадимшунослик изланишлари катта натижалар беради. С.К.Кабанов 1953 йилда археологик далилларга асосланган ҳолда, III-VIII асрлардаги Нахшаб ҳақида номзодлик диссертациясини ниҳоясига етказади. Нахшаб ва унинг теvarак атрофидаги ёдгорликларни мунтазам ўрганиш натижасида 1977 йилда унинг «Нахшаб қадимда ва ўрта асрларда (III-VII асрлар)» номли рисоласи, 1981 йилда эса «III-VI асрларда жанубий Сўғд қишлоқ манзиллари маданияти» деган китоблари нашр этилади. Умуман, С.К.Кабанов Қашқадарё археологиясига доир 30 дан зиёд илмий ишлар муаллифидир.⁸⁰

1946 йилда бошланган археологик тадқиқотлар асосан, қуйи Қашқадарёда олиб борилди. Археологик қазув ишларининг дастлабки самараси ҳақида С.К. Кабановнинг мақола ва ахборотлари эълон қилинади. 1947 йилда унинг Ўз ССР Фанлар академияси бюллетенида «Кўҳна Фазли шаҳридан топилган Сенмурва тасвири» мақоласи босилади. С.К.Кабанов Кўҳна Фазли шаҳрида 2 та шурф ташлаш асосида қазилма ишларини олиб борди. Шаҳар харобаларидан сопол буюмлар билан биргаликда Сенмурв – афсонавий ит-қушнинг тасвири туширилган ғишт парчалари топилган. Унинг тахминича, бу парчалар VII-VIII асрларга оид архитектура иншооти девор қопламасининг парчаларидир. Шунга асосланиб, С.К.Кабанов Безданинг шаҳар сифатида намоён бўлиш санасини VII-VIII асрлар деб белгилади. С.К.Кабанов қадимги Касби шаҳри харобаларида ҳам қазилма ишларини

⁸⁰ П.Равшанов. Қарши ва Кеш тарихи манбалари. Қарши: 2005. 12-13 бетлар

олиб борди. Шаҳарнинг энг қадимий қисми кўҳандиз бўлиб, шаҳристон IX-X асрда ривожланган.⁸¹

1946-1948 йилларда Қашка воҳасининг қуйи қисмида 70 га яқин ўтмиш ёдгорликлари ҳисобга олинади. Дастлабки тадқиқот ишлари Кожартепа, Мудинтепа ва Ерқўрғонда олиб борилди.⁸²

1946 йилнинг кузида Амударё экспедицияси аъзолари А.И.Тереножкин ва Л.И.Альбаум Қарши воҳасида археологик қидирув ишларини олиб бордилар. Уларга Қарши чўлидаги сунъий суғориш тармоқларини ўрганиш ва Эски Ангор каналининг табиий ёки сунъий суғориш иншооти эканлигини аниқлаш вазифаси юклатилган эди. Канал ўрганилиб, Дарғом каналидан оқиб келувчи қадимий канал ўзани эканлиги аниқланди.

XX асрнинг 40-йилларида Нахшаб воҳасининг археологик ёдгорликлари ўрганилиши Қарши – Зарқаноқ (Касби) йўли оралиғида амалга оширилди. Бу ерда жами 27 та археологик ёдгорлик ўрганилган бўлиб, уч турга бўлинади:

- а) икки қават тепаликлар кўринишидаги қалъалар;
- б) баланд тепаликлар кўринишидаги икки-уч қатор девор билан ўралган қалъалар;
- в) мудофаа девори билан ўралган шаҳарлар;

А.И. Тереножкин фикрича, бу ёдгорликлар араблар истилосига қадар мавжуд бўлган, баъзилари X асрда йирик манзилгоҳга айланган. Воҳанинг инқирозга юз тутиши мўғул истилоси билан боғлиқ бўлиб, бу даврда деҳқончилик ва суғориш тармоқлари тамоман таназзулга учради. Бу даврда воҳада ўтказилган археологик қидирув ишлари мобайнида муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар тўпланди. Масалан, Кофиртепадан Юнон-Бактрия даврига оид манбалар топилган. И.К.Тереножкин Кўҳна Фазли

⁸¹ Н.Ражабова Археологические работы в долине Кашкадарьи .Диссертация 2006 44-б

⁸² П.Равшанов. Қашкадарё тарихи. Т.: 1999,112 б.

шаҳри харобаларини ўрганиб, шаҳарнинг милoddан аввалги X асрда Турк ҳоконлигининг маркази бўлганини аниқлайди.⁸³

1948 йилда Қарши воҳасида олиб борилган археологик изланишлар уч асосий қисмга бўлинади:

- 1) Қашқадарёнинг қуйи қисмидаги археологик қидирув ишлари;
- 2) Мудинтепадаги стратиграфик кесим;
- 3) Ерқўрғон шаҳридаги қазилма ишлари.⁸⁴

XX асрнинг 60-йилларига келиб Нахшаб воҳаси ўтмишини тадқиқ этиш ишларига М.Е.Массон, А.Асқаров, З.И.Усмонова сингари таниқли олимларнинг жалб этилиши катта илмий самара берди. 1963-1964 йилларда Тошкент Давлат университетида Кеш археология ва топография экспедициясининг ташкил этилиши, унга М.Е.Массоннинг раҳбарлик қилиши Қашқадарёнинг қадимий ёдгорликларини текшириш, уларнинг тарихий аҳамиятини очиқ беришни жонлантириб юборди.

Қадимшунос олима З.И. Усмонова ТошДУ археология кафедрасида ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида мустақил археологик экспедициялар ташкил этиш масаласи кун тартибига қўйилганлиги, бунда асосий ўрганиш минтақаси сифатида Қашқадарё воҳаси танланганлиги ҳақида шундай фикр юритади: «Кафедра ҳузурида мустақил археологик экспедиция ташкил қилиш масаласи кўндаланг бўлди. Бунда археологик жиҳатдан кам текширилган Қашқадарё вилояти танланди. Чунки бу вилоят қадимий Сўғднинг жанубий қисми (Кеш, Насаф) бўлиб, ёзма манбаларда зикр этилган эди». КАТЭ 1963-1966 йиллар давомида профессор М.Е.Массон раҳбарлигида вилоятнинг қадимий обидаларида кўпгина муҳим қазув ишларини амалга оширади. 1973 йилда М.Е.Массоннинг «Қашқадарёнинг қуйи вилояти қадим замонлар пойтахт шаҳарлари» деган рисоласи майдонга келади. 1960 йилдан эътиборан Қашқадарёнинг қадимий обидалари археологиясини ўрганиш тобора кенг қамровли тус ола бошлайди.

⁸³ Теренонский А.И. Археологическая рекогносцировка в западной части Узбекистана ВДИ 1947 №2 185-190

⁸⁴ Ражабова Н Археологическая работы в долине Кашкадарьи 2006. 45-46 б

Қадимшунослар, санъатшунослар жанубий воҳанинг ҳали қўл урилмаган осори-атиқаларини қунт ва сабот билан тадқиқ этишга киришадилар. Н.П.Столярова, Р.Р.Абдурасулов, Л.И.Ремпель, Л.Л. Букиннич, В.Д.Букиннич, В.Д.Жуков, У.Исломов, Н.И.Крашенникова, С.Б.Лунина, Л.Ю.Маньковская каби тадқиқотчилар Қашқа воҳасининг кечмиши ва қадим маданияти ҳақида фанга сезиларли янгиликлар олиб кирдилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Қашқадарё заминдаги қадимий обидаларни ўрганишнинг маълум даражада жадаллашувига бу воҳада амалга оширилиши мўлжалланаётган суғориш билан боғлиқ улкан режалар сабаб бўлади. 1946-йилдаёқ ариқ ва анҳорлар қазилиши кўзда тутилган жойлардаги қадимиятга дахлдор манзилларни тезкор текшириш ва аниқлаш учун А.И.Тереножкин ва Л.И.Альбаум каби қадимшунослар сафарбар этилади.⁸⁵ 1954 йилда Қарши чўлига Зарафшон дарёсидан сув олиш учун Эски Ангор каналини, Қашқадарёнинг ўрта оқимида Чимқўрғон сув ҳавзасини барпо этиш муқаррар бўлади. Бўлажак сув иншоотлари ҳудудидаги тепаликлар, қадим манзиллар ўринлари тезкор кўздан кечирилади. Бу иш Қашқадарё заминда катта тажриба орттирган С.К.Кабановга топширилади. Чимқўрғон сув ҳавзаси ишғол этадиган майдон анча катта ҳажмга эга бўлиб, сув остида милoddан аввалги асрларга тааллуқли ёдгорликлар қолиб кетиши мумкин эди. Шунга кўра, ҳавза ҳудудидаги обидаларни жадал текширишдан ўтказиш мақсадида бу жойда 1955-1957 йиллар мобайнида Ўзбекистон Фанлар академиясининг тарих ва археология институти махсус экспедицияси иш олиб боради.

Қашқадарёнинг қуйи қисми 60-йилларга келиб ёппасига ўзлаштирила бошланди. Қарши чўлини суғориладиган ерларга айлантириш режаси амалга оширилади. Қарши шаҳрининг шарқий этагида қурилиш корхоналари, заводлар, ўнлаб саноат муассасалари қад ростлай бошлайди.⁸⁶ 1965-1967

⁸⁵ П.Равшанов. Қарши ва Кеш тарихи манбалари. Қ.:2005. 13-15 бетлар

⁸⁶ П.Равшанов. Қарши тарихи. Т.:2006., 19-бет

йилларда биргина қурилиш корхонаси ҳудудида ўн битта ёдгорлик қазиб ўрганилди.⁸⁷

1970-1972 йилларда ЎзФА археология институти Қарши бош анҳори кесиб ўтадиган майдонлардаги ёдгорликларни кўздан кечирази ва ўрганиб чиқади. Бу изланишлар натижасида Қўштепа, Хўжалитепа ва Полвонтепа муфассал тадқиқ этилади. 1973 йилдан бош анҳор ҳудудидаги археологик қазилма ишларига Р.Х.Сулаймонов бошчилиқ қилади. Олим 70-йиллардан 90-йилларга қадар Қашқадарёда мунтазам илмий-текшириш ишларини олиб боради. 70-йиллар Қашқадарё археологияси тарихида кўтарилиш даври бўлди. Республика археологларининг бутун бошли плеядаси воҳанинг қадимий обидаларида кенг кўламли илмий-тадқиқот ишларини амалга оширадilar. 1976 йилда Қашқадарё воҳасида археологик тадқиқотлар бошланганига ўттиз йил тўлади. Ўттиз йил давомида Нахшаб, Заҳоки Марон қалъаси, Шулликтепа, Субах, Базда, Касби, Қаландартепа сингари қадимий шаҳарлар, қўрғонлар, кўҳна манзиллар очилади.⁸⁸

1973 йилдан 90-йиллар бошига қадар ўтказилган археологик тадқиқот ишлари қуйидаги мақсадларда амалга оширилди:

1. Қадимги Сўғд шаҳарларининг қурилиши, илк ва қадимги давр шаҳар қурилишининг ўзига хос хусусиятлари, аҳоли турар жойлари жойлашуви, турар жойларнинг шаклланишида ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг аҳамиятини ўрганиш ҳамда жамоат, маъмурий ва диний иншоотларни таснифлаш;

2. Нахшаб воҳаси қадимги шаҳарларининг фортификацияси, шаҳар муҳофаазининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

3. Қадимги Нахшабнинг манзилгоҳлари ва қишлоқларини ўрганиш. Қарши воҳасидаги Киндиклитепа манзилгоҳи ва Ғузур воҳасидаги Қўрғонча манзилгоҳида М.Хасанов, илк ўрта асрларга оид Кунжутлитепа

⁸⁷ С.К.Кабанов. Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III-УП вв.), Т., «Фан», 1977, 3-бет.

⁸⁸ П.Равшанов. Қарши ва Кеш тарихи манбалари. Қарши. «Насаф». 2005. 20-бет

ва Коштепада А.А.Раимқулов, Касантепада М.Тўрабеков ва М.Хасановлар
қазишма ишлари олиб бордилар.

II БОБ. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА ҚАДИМГИ ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ.

2.1 Қашқадарё воҳасида қадимги шаҳарларнинг шаклланиши

Қашқадарё воҳасининг илк темир даври ёдгорликлари (мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярми) Марказий Осиёнинг бошқа вилоятлари (Мурғоб, Зарафшон, Сурхон воҳалари, Амударё қуйи оқими ва бошқалар)га нисбатан кам ўрганилган. Илк темир даврига оид дастлабки ёдгорликлар С.К. Кабанов томонидан Танхоздарё ва Яккабоғдарёнинг қуйи қисмларидан топиб текширилган эди. 1972 йилларда З.И. Усмонова ва Х.Дуке томонидан Чимқўрғон сув омбори худудида мил.авв. I минг йиллик бошлари ва ўрталарига оид қадимги манзилгоҳ қолдиқлари ва сопол идишлар топилди. Р.Ҳ. Сулаймонов ва М.Е. Исомиддиновлар томонидан эса Жанубий Суғднинг энг йирик шаҳар харобаларидан бири – Ерқўрғон археологик жихатдан ўрганилди. Ерқўрғон худудининг ўзлаштирилиши айнан сўнги бронзадан илк темир даврига ўтиш босқичида бошланганлиги аниқланди⁸⁹. Тадқиқотлар давомида Қашқадарё қуйи қисмида ўтроқ деҳқончилик маданиятининг шаклланиши жараёнининг илк темир давридан антик ва илк ўрта асрларгача бўлган босқичлари хронологик жихатдан аниқланди.

ТошДУ Ўрта Осиё археологияси кафедрасининг 1976 – 1979 йилларда А.С. Сагдуллаев томонидан олиб борилган тадқиқотлари натижасида Қашқадарё воҳасининг шарқий қисмида ҳам бир қатор илк темир даври ёдгорликлари очилди.

Даратепа ёдгорликларида ўтказилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида ушбу ҳудуд учун хос бўлган мил.авв. VII – IV асрларга оид турли турар жойлар тузилиши қазиб ўрганилди.

1981 – 1984 йилларда Н.И. Крашенинникова бошчилигидаги экспедиция томонидан Шўроб дарёсининг ўрта оқимида мил.авв. I минг йиллик биринчи ярмига оид Подаёқтепа, Сангиртепа ва Узунқир

⁸⁹ Қадимги Кеш – Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Тошкент, Шарқ, 1998, 45 б.

ёдгорликлари очиб ўрганилди⁹⁰, Ушбу ёдгорликларда шурфлар амалга оширилди, ҳамда уларнинг мудофаа деворларини ўрганиш борасида тадқиқотлар ўтказилди.

Подаёктепа, Сангиртепа ва Узунқир ёдгорликлари Қашқадарё ўрта оқимидаги Шўроб дарёси бўйида воҳанинг энг йирик ва қадимий маданий - хўжалик ҳудудида жойлашган. Бу ерда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики Узунқир, Подаёктепа ёдгорликларидан тахминан 700 – 800 метр узоқда жойлашган. Сангиртепа ёдгорлиги эса Узунқир ёдгорлигидан жанубда жойлашган бўлиб, орасидаги масофа тахминан 1 км.ни ташкил этади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, Сангиртепанинг илк шаклланиш даври мил.авв. IX –VIII асрларга тўғри келади. Бу даврда бу ерда мустаҳкам пахса девор билан ўралган йирик иншоот барпо этилади. Мил.авв. VIII – VI асрларда ёдгорлик атрофлари ўзлаштирилиб, қурилишлар олиб борилган⁹¹.

Тадқиқотлар давомида Сангиртепа манзилгоҳидан мил.авв. IX –VII асрларга оид одам скелет суягининг қолдиқлари ҳам топилган⁹².

Тадқиқотлар Сангиртепанинг баландлиги 8 метр ва ўлчамлари 85х65 метр бўлган тўртбурчак шаклидаги марказий тепаликда амалга оширилди. Сангиртепа жанубий ва ғарбий томонларидан мудофаа деворлари билан ўралиб, унинг умумий майдони 3 гектардан иборат бўлган⁹³. Ёдгорликнинг қарийиб барча қисми қишлоқ хўжалик экинлари экиш мақсадида текислаб юборилган. Сангиртепа марказий тепалигининг шимолий – ғарбий қисмида амалга оширилган шурф бу ерда маданий қатламнинг қалинлиги 6,85 метрга тенг бўлганлигини кўрсатди.

⁹⁰ Лушпенко О.Н. К истории изучения поселений раннежелезного века долины Кашкадарьи // Древняя и средневековая археология Средней Азии. Т., Фан, 1990, с. 26.

⁹¹ Эшов Б. Узунқир – Китоб – Шахрисабз. // Шахрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни халқаро илмий конференция маърузалари, Т., Фан, 2002, 68-б.

⁹² Ермолова Н.М. Костные остатки из памятников раннего железного века (Южного Узбекистана). // Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. Т., Фан, 1987, с. 100.

⁹³ Қадимги Кеш – Шахрисабз тарихидан лавҳалар. Тошкент, Шарқ, 1998, 47 б; Эшов Б. Узунқир – Китоб – Шахрисабз. // Шахрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни халқаро илмий конференция маърузалари, Т., Фан, 2002, 69-б; Хасанов М., Мехендали С. Раскопки на Сангиртепе в Кашкадарье. // Археологические исследования в Узбекистане 2003 г., Вып.4, Т., «Узбекистон миллий энциклопедияси», 2004, с. 183.

Стратеграфия марказий тепанинг ушбу қисмида ҳаёт мураккаб кечганлиги ва тўртта қурилиш даври мавжудлигини кўрсатади. Тепаликка чиқиш жойида, унинг ғарбий ва шимоли – ғарбий томонларида амалга оширилган шурф ишлари натижасида бирор-бир янги маълумот қўлга киритилмаган, лекин уларнинг натижасида ёдгорликларнинг ушбу қисмида яшаш жойлари бўлмаганлиги, гумус ва кул қатламлар эса ушбу жойдан мол сақлаш учун қўра сифатида фойдаланганлигини кўрсатади.

Сангиртепадаги археолог – стратеграфик тадқиқотлар натижасида манзилгоҳнинг шаклланиш тарихи, унинг ўзлаштирилиши ва ташландик ҳолга келиш босқичлари аниқланди. Сангиртепанинг илк шаклланиш даври мил.авв. IX – VIII асрларга оид. Ушбу даврда бу ерда мустаҳкам паҳса девор билан ўралган йирик иншоот қад кўтаради. Биринчи, энг дастлабки давр учун ташқи паҳса деворнинг мавжудлиги хос бўлиб, ёдгорликнинг бутун ҳаёти давомида сақланиб қолган ушбу девор муҳофаа мақсадларига хизмат қилганлигини тахмин қилиш мумкин.

Манзилгоҳнинг ўзлаштирилган қисмини мустаҳкамлаш эҳтиёжи пайдо бўладики, натижада қарийиб 3 гектарга тенг ҳудуд девор – тўсиқ билан ўралади. Сангиртепа мустаҳкам ва қалин деворлар билан ўралиб, маҳаллий ҳукмдор қароргоҳи (арки)га айланади⁹⁴.

Сангиртепадаги монументал иморатда катта хона бўлиб, унинг шимоли-ғарбий қисмида остида тоза қум қатлами сақланиб қолган меҳроб (оташкада) жойлашган. Девор бўйлаб супалар ҳамда диаметри катта бўлмаган, турли чуқурликдаги қатор думалоқ ўралар жойлашган. Бу ўраларнинг баъзилари кул билан, бошқалари – қум, яна бирлари қум шағал билан тўлдирилган⁹⁵.

⁹⁴ Лушпенко О.Н. К истории изучения поселений раннежелезного века долины Кашкадарьи // Древняя и средневековая археология Средней Азии. Т., Фан, 1990, с. 27.

⁹⁵ Эшов Б.Ж. История и культура Согдианы VII – IV вв. до н.э. автореферат дис. канд. ист. наук. Т., 1999, с. 10; Крашенинникова Н.И. Раскопки в Китабском районе. // АО 1983г. – М., 1985, с. 534.

Археологик маълумотларнинг далолат беришича, мил.авв. IV – III асрларга келиб, Сангиртепада ҳаёт тўхтайдики, ташландик ва тушкунлик ҳолатлари ҳам буни тасдиқлайди⁹⁶.

Бу турдаги ёдгорликлар илк темир даврида Марғиёна, Бактрия ва Суғдиёнада кенг тарқалган. Кўп ҳолларда улар унча катта бўлмаган ҳудудларни эгаллаган, лекин уларнинг мудофаа деворлари билан ўралгани кузатиладики, бу белги уларнинг ҳарбий стратегик аҳамиятидан далолат беради. Худди шундай белгилар Сангиртепада ҳам хос бўлиб, уни ҳам йирик шаҳар қўрғони бўлган ёдгорликлар тоифасига киритиш мумкин.

А.С. Сагдуллаев ва Н.И. Крашенинниковаларнинг фикрига кўра ўз даврида Узунқир ва умуман вилоятнинг номи Наутака (Навтака) деб аталган⁹⁷. Қадимги суғд сўзи “Наутака” “янги қурилиш” “Янги шаҳар” деб таржима қилинади. Сўзнинг “так” қўшимчаси “куч”, “қудрат” “қувват” маъносида изоҳланиб⁹⁸, ушбу тушунча Узунқир ўрнида мустаҳкам ва қалин мудофаа деворлари билан ўралган йирик қалъа, ҳарбий – таянч марказининг бунёд этилиши жараёнидан келиб чиққанлигини тахмин қилиш мумкин.

Подаёктепа ва Узунқирда ҳам археологик тадқиқотлар ўтказилиб уларнинг мудофаа деворлари ўрганилди. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики Шўробсой ёқаларида мил.авв. I минг йиллик бошларида қадимги деҳқончилик воҳаси шакллانган.

Сангиртепадан 650 метр шимолроқда, Шўробсой қирғоғида Узунқир харобалари жойлашган. Ҳозирги вақтда ёдгорликнинг катта қисми текисланиб кетган ва фақат жануби-ғарбий томонида мудофаа деворларининг узунлиги 450 метрга тенг бўлган қисми сақланиб қолган⁹⁹. 1983 йилда Узунқир мудофаа деворининг сақланиб қолган қисмида Н.И.

⁹⁶Қадимги Кеш – Шахрисабз тарихидан лавҳалар. Тошкент, Шарқ, 1998, 48 б.

⁹⁷ Сагдуллаев А.С. К вопросу о второй столице Согдианы. // СА 1988, №4 с. 223 -230; Сагдуллаев А.С. Памятники материальной культуры Южного Согда эпохи раннего железа (Некоторые итоги исследований в 1976 – 1986 гг.). // Культура юга Узбекистана в древности и средневековье. Сборник научных трудов. Т., ТашГУ, 1987, с. 14.

⁹⁸ Сагдуллаев А.С. Поселение раннежелезного века в бассейне Кашкадарьи А, 1984, №3

⁹⁹ Лушпенко О.Н. К истории изучения поселений раннежелезного века долины Кашкадарьи // Древняя и средневековая археология Средней Азии. Т., Фан, 1990, с. 27.

Крашенинникова томонидан тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқотлар давомида деворнинг ташқи томонида унга кириш жойи ва битта шинакка эга бўлган хона қолдиқлари очиб ўрганилди. Хона деворлари ва сатҳи сомон билан сувалган. Сатҳда сопол синиқлари ва бронзадан ишланган камон ўқларининг учлари топилди.

Тадқиқотларга кўра қалъа девори ахамонийлар даврида қурилган деган хулоса чиқади¹⁰⁰. А.С. Сагдуллаев ва Н. И. Крашенинниковалар олиб борган тадқиқот ишлари натижасида Узунқирни Наутака шаҳрининг маркази ҳисоблашган¹⁰¹, кейинчалик марказ ҳозирги Китоб шаҳри ўрнига кўчди¹⁰².

Узунқирда мудофаа девори ва манзилгоҳ ҳудудини ўрганиш борасидаги ишлар 1986 йилда А.С. Сагдуллаев бошчилигидаги археологик экспедиция томонидан қайта тикланди.

Н.И. Крашенинникова томонидан қазишмалар ўтказилган жойда девор ташқи томони аниқ тасвири кўзга ташланди. Ушбу девор қисми бўйлаб, Узунқир мудофаа девори жанубий қисмини ўрганиш давом эттирилди.

Узунқир мудофаа деворида қазишмалар ўтказишдан олдинги баландлиги 6 метр, қалинлиги асосида 26 метр, нураб тушган қисми ташқи томонида 5 метр, ички томонида 4 метрга тенг. Девор ташқи томонини тозалаш давомида тўғри бурчакли режага эга бўлган буржи очилиб, унинг ичида хона мавжуд бўлган. Буржнинг барча деворларида ташқи томондан пилястра (тўртбурчак шаклдаги ярим устун) бўлганлиги аниқланиб, жанубий деворда улар иккита, ғарбий ва шарқий деворда биттадан бўлган. Бурчаклардаги ярим устунларда найза шаклдаги “алдамчи” шинаклар мавжуд бўлган. Буржнинг жанубий деворидаги пилястраларда “алдамчи” шинаклар мавжуд бўлмасдан, уларнинг оралиғида асосий девордан бўртиб чиққан ва майда тош ётқизилган пойдеворда турган жанговор шинак мавжуд бўлган. Буржнинг шарқий ва ғарбий деворларида яна иккита жанговор шинак

¹⁰⁰ Лушпенко О.Н. К истории изучения поселений раннежелезного века долины Кашкадарьи // Древняя и средневековая археология Средней Азии. Т., Фан, 1990, с. 27.

¹⁰¹ Сагдуллаев А.С. К вопросу о второй столице Согдианы // СА 1988, №4, с. 223-230.

¹⁰² Камолитдинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – XIII вв. Т., Узбекистан, 1996, с.17.

мавжуд. Буржга кириш жойи шимолий томондан тор йўлак орқали бўлиб, ушбу йўлак юқори қисми қия қилиб қўйилган ғиштлар ёрдамида қурилган арксимон шаклга эга.

Узунқирнинг мил.авв. VII асрдаёқ тўғри бурчакли буржлари ва бурж ичи хоналари, нимустун, жанговор ҳамда сохта шинаклари бўлган илк мудофаа деворини тиклашда фойдаланилган истехком усуллари Ўрта Осиё жанубидаги ўша даврда мавжуд бўлган бошқа ҳеч бир обидада қайд этилмаган¹⁰³. Бу усул бошқа обидаларда анча кейинроқ кузатилган, лекин Олд Осиё ёдгорликлари билан кўпгина умумий жиҳатларга эга. Масалан, Бобилнинг (мил.авв. VII –VI асрлар) ва баъзи Мессопотамиядаги бошқа йирик шаҳарларнинг мудофаа деворлари буржлар билан мустаҳкамланиб, ярим устунларга эга бўлганки, бу ҳол Узунқир меъморлари томонидан Олд Осиё анъаналари қўлланилганлигидан далолат беради.

Бурждан шарқий томонда умумий узунлиги 20 метр бўлган девор қисми ва яна бир бурж очилдики, у ўз муҳандислик қурилишига кўра биринчисини қайтаради. Иккинчи бурж яхши сақланмаган.

Девор ички йўлаги ёки ўқ отилиш учун ишлатилган махсус жойларни аниқлаш мақсадида мудофаа деворининг шарқий қисмида биринчи ва иккинчи буржлар оралиғида қазилмалар амалга оширилди. Тадқиқотлар натижасида биринчи деворнинг ички томони бўлаги ва жанговор шинакка чиқиш жойи очилди. Иккинчи девор ички айланасининг бурж хонасидан шарқий қисмида йўлак чиқиш жойи очиб ўрганилди.

Деворнинг юқorigи қисмидан туриб амалга оширилган иккинчи мудофаа чизиғи мавжуд бўлганлигини ҳам тахмин қилиш мумкин.

Иккинчи даврда биринчи деворга туташ қилиб, унинг ғиштлири билан бир хилдаги хом ғиштлардан қалинлиги 1,6 метр бўлган янги қўшимча девор қурилган. Деворнинг умумий қалинлиги 3,45 метрга етади. Шинакларга олиб

¹⁰³ Марущенко А.А. Елькен-депе. (Отчет о раскопках 1953, 1955, 1956гг.) // Тр. ИИАЭ АНТССР. – Ашхабад, 1959, с. 63-65; Усманова З.И. Разрез крепостной стены Эрк-калы Старого Мерва. Древней Мерв. // Тр. ЮТАКЭ – Ашхабад, 1989, Т XIX, с. 26 – 45.

борувчи йўлаклар иккинчи деворнинг пахсаси билан тўлдирилади, лекин бурж ичи хоналарида ҳаёт давом этади.

Кейинги, учинчи даврда ички томон бўйича қалинлиги 1,2 метрга тенг бўлган яна бир қўшимча девор қурилади. У буржларга олиб борувчи йўллари беркитиб қўяди.

Узунқирнинг шимоли-ғарбий қисмида амалга оширилган шурфда қўлга ишланган ошхона идишлари бўлаклари, ҳайвон суяклари, ўсимликлар уруғларининг қолдиқлари топилган. 1984 йилда Н.И. Крашенинникова томонидан қалинлиги 2,5 метрга тенг бўлган қурилиш қолдиқлари ёрғучоқ, суяк қолдиқлари, сопол синиқлари, кул қатламлари мавжуд бўлган маданий қатлам топилган бўлиб, у мил.авв. I минг йиллик бошлари билан белгиланган. Тадқиқотлар натижалари ва шурфлардан олинган маълумотлар Узунқир ўрнига илк темир даври шаҳар маркази мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Узунқир манзилгоҳининг мудофаа деворини ўрганиш даврида қўлга киритилган топилмалар Жанубий Суғднинг илк темир даври мудофаа меъморчилигига доир янги маълумотлар берди.

Узунқирнинг шимолий томони Шўроб дарёси билан мудофааланган бўлиб, лекин ушбу жойдан топилган девор қолдиғи манзилгоҳнинг бу қисмида ҳам мудофаа девори мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Узунқирнинг майдони 70 гектарга тенг бўлиб, мил.авв. VIII –VII асрларга тааллуқлилиги аниқланган¹⁰⁴.

Узунқирдаги ғарбий, шарқий ва жанубий мудофаа деворлари қолдиқларининг қалинлиги 20 метр бўлган ва Шўробсойдан тортилган сунъий ҳандақ ўраб олган бўлиб, шимолий томон учун бундай ҳандақ вазифасини Шўробсойнинг ўзи бажарган. Учта жойда дарвозалар ўрни аниқланмаган.

¹⁰⁴ Сагдуллаев А.С., Лушпенко О.Н. Новые данные к изучению древне согдийских поселений. // ОНУ 1989, №12, с. 41.

Кейинги даврда Узунқир янада кенгроқ ўзлаштирилди. Унинг худди шу даражаси кенгайдики, аҳолини ҳимоялаш мақсадида истехкомлар қуриш эҳтиёжи туғилди. Мил.авв. VII –VI асрларда мураккаб мудофаа тизими: хом ғиштлардан қурилган мустаҳкам девордан бўртиб чиққан, бурж хоналарига ва пилястраларга эга бўлган буржлар билан мустаҳкамланган мудофаа деворлари вужудга келади¹⁰⁵. Лекин дастлабки даврда Узунқир девори қалинлиги, буржлар оралиғида бор-йўғи 1,85 метрга тенг бўлгани, унга кўшимча иккинчи деворнинг қурилиши шу туфайли бўлса керак.

Марказий Осиё жанубидаги мил.авв. I минг йиллик ўрталарига оид бир қатор ёдгорликларда ўтказилган тадқиқотлар уларнинг қурилишида ўзгача жиҳатлар устунлик қилганлигини кўрсатади. Дастлаб уларнинг кўпчилиги қалин деворларга эга бўлган. Деворлар ташқи қирралари қияроқ шаклда бўлиб, деворлар мустаҳкамлигини оширган. Деворнинг ташқи томони бўйлаб ўтган мустаҳкам ҳандақ ҳам худди шу вазифани бажарган. Бундай тузилишга эга бўлган деворлардан фақат бир тизим – девор юқори қисмидан туриб ўк отишга асосланган мудофаа амалга оширилган.

Узунқир мудофаасининг кучайтирилиши дастлабки деворни доимий равишда қалинлаштира бориш йўли билан амалга оширилган бўлиб, бошқа ёдгорликларда илк девор кейинги даврлар учун пойдевор вазифасини ўтаган. Шундай қилиб, сўнги таъмирлаш ишларидан кейин Узунқир деворининг умумий қалинлиги 5 – 6 метрга етган бўлса-да, унинг тузилиши ўз даври мудофаа мақсадларига жавоб бермаган, чунки девор қалинлигининг оширилиши унинг мудофаа имкониятларини кенгайтирмаган.

Антик даврда Марказий Осиё жанубидаги бир қатор йирик шаҳар марказларининг деворлари ўз даври меъморчилик анъаналари асосида қайта таъмирландики, бу уларнинг мудофаа имкониятларини янада оширади. Ушбу кўрғонлар кейинги даврларда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Улардан фарқли равишда Узунқир ўз имкониятларидан фойдаланиб бўлади.

¹⁰⁵Қадимги Кеш – Шахрисабз тарихидан лавҳалар. Т., Шарқ, 1998, 54 б.

Жанубий Суғддаги илк шаҳарлар шаклланиш ва ривожланишига мисол қилиб Сангиртепа ва Узунқирни кўрсатиш мумкин. Узунқирнинг мушофаа меъморчилиги Қашқадарё воҳасидаги илк темир даври маданиятининг юқори даражада тараққий этганлигидан гувоҳлик беради. Бу ўзига хос минтақавий аҳамиятга эга бўлган янгиликдир. У Марказий Осиё жанубидаги илк шаҳар маданияти марказларидан бири бўлиб, бутун Қадимги Шарқ учун умумий бўлган тараққиёт қонунлари асосида ривожланган. Лекин вақт ўтиб бу жараён Узунқирда тўхтадики, буни энг аввало суғориш тизимидаги ўзгаришлар билан изоҳлаш мумкин.

Узунқир – Жанубий Суғдда илк шаҳар тузилмасининг шаклланишига мисолдир. У йирик ўтроқ деҳқончилик воҳасининг ҳамда Жанубий Суғддаги алоҳида вилоятнинг хўжалик, маъмурий, ҳарбий ва маданий маркази бўлган. Марказий Осиё шаҳарлари тараққиётининг кейинги даврида ушбу белгилар йирик антик шаҳарлар (мил.авв. III – II асрлар) учун ҳам хос бўлади.

Жанубий Суғд илк темир даври тарихининг муҳим жиҳатларидан бири – Сангир I ва Узунқир I туридаги сопол идишларнинг вужудга келишидир.

Ўтган асрнинг охирида Сангиртепада амалга оширилган археологик тадқиқот ишлари натижасида, 2003 йилда амалга оширилган қазилар ишлари давомида сосонийлар даврига оид олов ибодатхонасининг ўрни аниқланган¹⁰⁶.

Қарши воҳасининг қадимий пойтахти – Ерқўрғон шаҳристони ҳозирги Қарши шаҳри Шайхали маҳалласидан икки километр шимолда жойлашган Ерқўрғон ҳудудиди турли ҳажмдаги тепаликлар билан қопланган бўлиб, улар собиқ шаҳар вайроналаридир. Энг йирик тепалик ҳукмдор саройи эканлиги аниқланган. Шунингдек, қазув ишлари мобайнида шаҳар бутхонаси, мақбара, зардуштийлик даҳмаси, ҳунармандлар маҳаллалари топилган. Қадимги шаҳар Ерқўрғон Қарши воҳаси шаҳарларининг онаси эди. Ерқўрғон илк бор милоддан аввалги VII асрда девор билан ўраб олинган. Девор ҳозиргача

¹⁰⁶ Хасанов М., Мехендали С. Раскопки на Сангиртепе в Кашкадарье. // Археологические исследования в Узбекистане 2003 г., Вып.4, Т., «Узбекистон миллий энциклопедияси», 2004, с. 183.

сақланиб қолмаган, унинг қолдиқлари 1999 йилда кулоллар маҳалласидан очиб ўрганилган. Милоддан аввалги VI асрда шаҳар кенгайиб, 35 га майдонни қуршаган девор билан ўраб олинган. Бу девор ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Милоддан аввалги III-II асрларда шаҳарнинг майдони 150 га бўлган. Милоддан аввалги IV асрларда ҳар иккала девор қайта таъмирланган.¹⁰⁷

Нахшаб – Ерқўрғонда муттасил илмий-текширув ишлари билан банд бўлган, бу жойдаги ибодатхона, қаср ва бўлак бино ўринларидан кўпгина осори атиқалар топилган ва уларни тадқиқ этган олимлар – М.Ҳ.Исомиддинов ва Р.Х.Сулаймоновлар «Ерқўрғон» деб аталган рисолаларида бу қадимий шаҳар тарихи ҳақида яна қуйидагича фикр билдирадилар:

«Ерқўрғонда бир неча йиллар давомида шаҳарнинг уйлари, ишлаб чиқариши, жамоат ва мудофаа иншоотларида ўн бешдан зиёд қазув ишлари ўтказилди. Шу қазувлардан бири, хусусан, фавкулодда кўп сопол буюмлар мажмуини берган кулоллар маҳалласида ўтказилган 13 қазув жойи Ернинг табиий юзасига қадар олиб борилди. Ерқўрғон шаҳарчасидаги маданий қатлам ва унинг аломатлари милоддан аввалги IX-VIII асрлардан то милодий VIII-IX асрларига қадар кулолчиликнинг муттасил тараққиёти манзарасини ифода этади».

Нахшаб – Ерқўрғондан топилган сопол буюмлар шаҳарнинг ёшини аниқлашда жуда муҳим манбалар бўлади. Ерқўрғонда олиб борилган қазув ишлари қадимий Сўғдиёна маданиятини ўрганишда ўзига хос ўрин тутди. Шаҳарчанинг ҳажми ва сақланиши, унда тахминан илк темир давридан бошлаб то илк ўрта асрларга қадар ҳаёт давом этганлиги Жанубий Сўғдиёнанинг моддий маданияти даврларини ўрганиш имкониятини беради.¹⁰⁸

¹⁰⁷ Сулаймонов Р.Х. Древний Нахшаб. Т.: «Фан», 2000.24-б.

¹⁰⁸ М.Х.Исамиддинов, Р.Х. Сулаймонов. Еркурган. «Фан», Т.: 1984, 5-б.

Еркўрғон худудида олиб борилган қазилмаларнинг кўп қатламлиги милоддан аввалги VII-VI асрларда кўҳна шаҳар худуди жадаллик билан ўзлаштирилиб борилгандан далолат беради. Милоддан аввалги VI-V асрларда манзилгоҳ минораларга эга бўлган қалин мудофаа деворлари билан ўраб олиниши билан кўҳна шаҳарнинг шаклланиши тугайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Еркўрғон атрофидаги айрим тепалардан милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарига оид сополларнинг топилиши бу даврда кўҳна шаҳар атрофида қишлоқ манзилгоҳлари пайдо бўлганлигидан далолат беради. Бундай манзилгоҳлардан бири Қоровултепа бўлиб, манзилгоҳ унча катта бўлмаган ихтисослашган хўжаликка эга. Топилмаларга қараб бу ёдгорликни мавсумий деҳқончилик манзилгоҳи дейиш мумкин.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Еркўрғоннинг ижтимоий ўтrockлашиш тизими ривожланиши унга суғориш тармоқлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечган. Типологик классификация ва статистик маълумотларнинг таҳлиliga қараганда, яшаш маконлари ўз ўлчамларига кўра иерархик тизим остида тарқалган ва ушбу қадимги Сўғдиёна жамоаси тизимининг энг чўққисида Еркўрғон кўҳна шаҳри турган, маҳаллий аҳамиятга молик бўлган кичик шаҳарчалар ҳам мавжуд бўлган.¹⁰⁹

1973 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси археология институти Қашқадарё экспедицияси аъзоларининг Еркўрғон шаҳрида олиб борган кенг қазилма ишлари шаҳар қурилиши ва археологик ёдгорликларини давраштириш, шаҳарда топилган маданий қатламлар санасини аниқлаш имконини берди. Аниқланишича, ички шаҳар мустаҳкам мудофаа девори билан ўраб олинган. Ҳозирги кунда деворнинг 8 м. баландликдаги қисми сақланиб қолган. Деворда ҳар 10-12 метр оралиғида миноралар қад кўтарган. Шаҳар ичкарасида тўрт бурчак шаклида қурилган шаҳристон жойлашган. Деворларда иккита дарвоза жойлашган: бири шарқий деворнинг шимолий қисмида, иккинчиси жануби-шарқий бурчакдаги баланд

¹⁰⁹ Эшов Б.Ж. Милоддан аввалги VII-IV асрларда Сўғдиёна тарихи ва маданияти. Т.ф.номзод. Дисс.1999.48-б.

мудофаа иншооти яқинидаги жанубий деворда жойлашган. Мудофаа деворлари билан ўраб олинган майдонда турли ҳажм ва шаклдаги тепаликлар сақланиб қолган.

Энг катта тепалик шаҳарнинг шимолий қисмидаги ҳукмдор саройи ўрнида жойлашган. Шаҳар ибодатхонаси жанубда, шаҳар марказида жойлашган бўлиб, икки алоҳида иншоотдан иборат. Ишлаб чиқаришга асосланган маҳаллалар шаҳарнинг шарқий қисмида жойлашган. Шаҳар деворларига шарқий томондан ясси тепаликлар занжири туташган бўлиб, бу тепаликларнинг устки қисмидан кўп миқдорда сопол идиш парчалари топилган. Казишмалар натижасида бу ерда кулолчилик устахоналари жойлашганлиги аниқланди. Шаҳарнинг марказий кўчаси жанубий дарвозадан шимоли-ғарбга, кулоллар маҳалласи бўйлаб йўналиб шаҳар ибодатхонасига олиб борган. Ички шаҳар иккинчи мудофаа девори билан ўраб олинган бўлиб, майдони 150 гектарни ташкил этган. Ички шаҳар кейинроқ қурилган бўлиб, ғарбий ва шарқий тарафидаги деворлари бузилиб кетган. Ички шаҳар иншоотларининг харобалари алоҳида тепаликлар кўринишида сақланиб қолган. Ички шаҳарнинг жанубий ва шимолий қисмларида кичик майдонни эгаллаган, аммо баланд икки тепалик кўзга ташланади. Жанубий қисмдаги тепалик ўрnidан дахма очиб ўрганилган. Шарқий қисмдаги тепалик ўрнида мақбаралар мажмуи жойлашган. Ички шаҳарнинг жануби-шарқий бурчагидаги кенг майдондаги иншоотлар тўлиқ сақланиб қолган. Шаҳарнинг шимолий ва шарқий қисмларидаги иншоотлар қолдиқлари ички ва ташқи девор бўйлаб паст тепаликлар занжиридан иборат.¹¹⁰

2006 йили Ерқўрғоннинг ички мудофаа деворини қазиш вақтида ЎЗР ФА Археология институтининг илмий ходими М.Исомиддинов милoddдан аввалги VI-V асрларга oid девор остидан хом ғишт аралаш пахсадан қурилган қадимий шаҳар деворлари қолдиқларини топди.¹¹¹ Бу энг кўхна шаҳар девори бўлиб, Самарқанд Афросиёбининг, Челак қишлоғи яқинида

¹¹⁰ Сулаймонов Р.Х. Древний Нахшаб. Т.: «Фан». 2000., 25-б.

¹¹¹ Сулейманов Р.Х. Карши-Насаф-Нахшаб в системе цивилизации центральной Азии Ўзбекистон тарихи №2-3 Т. "Фан" 2006 6-бет

жойлашган Кўктепа ва Узунқирдаги Кешнинг илк даврига оид барча конструктив хусусиятларни такрорлаб, санаси милoddан аввалги VIII-VII асрларга бориб тақалади. Бу топилма бу даврда Сўғдда Зарафшон ва Қашқадарё водийларидаги асосий деҳқончилик воҳаларида йирик шаҳар марказларини бунёд этиш имконига эга қудратли давлат мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, Суғд каби пойтахт маркази бўлган Нахшаб тарихи ҳам илк темир даврида, милoddан аввалги VIII-VII асрларда янги қишлоқ ва шаҳарларнинг вужудга келишидан бошланади. Бу сўғдийлар ва уларнинг деҳқончилик воҳаларининг шаклланиш даври бўлган.¹¹²

¹¹² Р.Ҳ. Сулаймонов, М. Исомиддинов, В Ягодин. Оламўшумул археологик кашфиётлар «Фан ва турмуш». № 5-6, 2006, 19-б.

2.2 Қашқадарё воҳасининг антик даври шаҳарсозлик хусусиятлари

Антик даврда (мил.авв. IV асрнинг охири – милоднинг IV асри) Ўзбекистоннинг жанубий ўлкаси бўлмиш Қашқадарё воҳаси аҳолиси ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият билан боғлиқ бир қатор муҳим ўзгаришлар рўй беради. Тадқиқ қилинаётган ўлка Ўзбекистонда антик давр марказлашган давлатларининг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнларидан четда қола олмас эди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, айнан антик даврда Ўзбекистонда кулдорчилик муносабатлари баъзи қадимий патриархал хусусиятларни сақлаб қолсада, ўзининг энг юқори чўққисига эришган. Шаҳарларнинг тараккий қилиши, савдо ва хунармандчиликнинг ривожланиши жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан табақаланишини янада кучайтирган. Ижтимоий тузумдаги ўзгаришлар манзилгоҳларнинг айрим турларида, хусусан, йирик мустаҳкамланган деҳқон кўрғонларининг вужудга келишида ҳам ўз ифодасини топадики, улар кўп оилали жамоалар аҳамиятининг ошиши ва катта ерларнинг уларга бирикишидан далолат беради. Улар билан бир қаторда кичик уй-кўрғонлар ва алоҳида жойлашган манзилгоҳлар ҳам мавжуд бўлиб, улар оддий жамоа аъзоларига тегишли бўлган. Шаҳарларда хунармандчиликнинг янада чуқурроқ ихтисослашув жараёни давом этган.

Антик давр маданий алоқалар ва ўзаро таъсир (грек ва маҳаллий маданиятлар қўшилиши), шунингдек савдо ва пул муносабатларининг жадал ривожланиши билан изоҳланади. Буларнинг барчаси Марказий Осиё турли вилоятлари ўртасида расмий алоқа ва савдо йўллариининг шаклланишига олиб келади.

Антик давр археологик манбалари Қашқадарё воҳаси аҳолисининг қадимги диний қарашлари билан боғлиқ масалани ўртага қўйиш имконини беради.

Тадқиқотчи олимларнинг фикрига таянган ҳолда А. Омельченко Жанубий Суғднинг шарқий қисмидаги антик давр манзилгоҳларини топологик ва ички тузилишини қуйидагича ўрганиб чиқади:

–вилоятнинг марказий шаҳри (Сусе – Китоб, майдони 40 гектар);

–алоҳида туманларнинг собиқ марказлари бўлган, турли жойларда жойлашган йирик манзилгоҳлар (Шўробсойдаги Саройтепа – Полвонтёпа, майдони 8-9 гектар; Аёқчисойдаги Каттажартепа, майдони 6,5 гектар; Толдисой ва Гулдарасойдаги Қайрағочтепа 1 ва Қайрағочтепа 2, майдони 10 ва 20 гектар; Қорабоғдарёдаги Каттаконтёпа, майдони 7-8 гектар).

Тадқиқотчининг фикрига кўра Жанубий Суғднинг шарқий қисмида жойлашган антик давр манзилгоҳларининг умумий майдони 130 гектарга тенг¹¹³.

Қашқадарё воҳаси антик давр ёдгорликларида олиб борилган қазишмалар натижасида олинган маълумотлар ушбу давр буноқорлик услублари тўғрисида маълум хулосалар чиқаришига имкон беради. Яккабоғ туманидаги Пармонкўлтёпа ёдгорлигида бир қанча хўжалик хоналари очиб ўрганилган. Уларнинг деворлари пахсадан қурилган. Бу ерда баландлиги 2,2 метр, диаметри 0,8 метрга тенг ғиштли устун сақланиб қолган. Хоналар деворларига сомон сувоқлар (сурилган) қилинган.

Шу туманда жойлашган бошқа бир ёдгорлик Қайрағочтепада олиб борилган тадқиқотлар ҳам қизиқарли натижалар берди. Бу ёдгорлик Қашқадарё воҳаси ўрта қисмида жойлашган йирик антик давр ёдгорлиги бўлиб, ўз ҳажмига кўра фақат қадимги Китоб шаҳар харобасидан кичикдир. Ўзининг жуда катта ҳажмига қарамасдан манзилгоҳ мудофаа девори билан ўралмаган, аммо уни ўраб турган кенг ва чуқур дарё ирмоқлари ўзига хос хандақ ва табиий тўсиқ вазифасини бажарган.

Китоб ўрнидаги антик давр манзилгоҳи ҳисобланган – илк манзилгоҳ Қаландартепа ёки Тёпаи Афросиёб “Шоҳнома”нинг бошқа бир

¹¹³ Омельченко А. Районирование, типология и внутренняя структура поселений античного времени восточной части Южного Согда. // Ўрта Осиё археологияси тарихи ва маданияти халқаро илмий конференция, маърузалар, Т., 2002, с. 88-90.

машҳур қаҳрамони номи билан боғлиқ. Исломгача яратилган манбаларда бу ҳудуд тўғрисида маълумотлар кам учрайди. Бундай маълумотлар И. Маркварт асарида келтириб ўтилган. Ҳозир бу маълумотлар нумизматик материаллар билан муайян даражада тўлдирилмоқда¹¹⁴.

Мил.авв. III – II асрлар бўсағасида Шарқий Қашқадарёнинг пойтахти Кеш Шўробсой воҳасидан Оксувдарёнинг ўрта оқимиға, ҳозирги Китоб шаҳри ўрниға кўчди. Китоб шаҳрининг ҳозирги иморатлари остида мил.авв. III аср милодий VII асрлар қатламлари яшириниб ётибди. Археологлар антик шаҳар 40 гектардан зиёд майдонни эгаллаганини¹¹⁵, буржли девор билан ўраб олинганини ҳамда Қаландартепада жойлашган қудратли қалъаси бўлганини ва унинг майдони 1 гектарға тенг бўлганлигини аниқлашди¹¹⁶. Маҳаллий кўрсатмаларға кўра Кеш мил.авв. I минг йиллик охирларида Қадимги Эрондаги Аҳамонийлар шоҳи Каюмарс билан алоқалар ўрнатган¹¹⁷. Қаландартепанинг энг қадимги қатлами мил.авв. III – II асрларға тааллуқли¹¹⁸.

Аниқланишича, дастлабки арк тахминан тўғри тўртбурчакли режада бўлган. Кузатувларға кўра Қаландартепанинг майдони ҳажм жиҳатдан Самарқанддаги Афросиёбға яқин бўлган¹¹⁹.

Марказ кўчирилишининг сиёсий ва иқтисодий сабаблари бор эди. Янги пойтахт шаҳар (Хитой манбаларида Сусе) Марказий Самарқанд Суғдидан Жом ва Тахтақорача доғони орқали Ҳисорнинг ғарбий тармоқларидаги доғонға ва ундан нариға – Шимолий Бактрияға олиб борувчи қадимги йўллар чорраҳасида, стратегик нуқтаи назардан, жуда қулай жойлашган. Даставвал у эллин ҳукмдорларининг Шимолий Қашқадарёдаги асосий таянч пункти сифатида мўлжалланган бўлиши эҳтимол. Сўнг Суғдда мустақил

¹¹⁴ Ртвеладзе Э.Е. Монеты Кеша // История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековье. Т., 1989, с. 38-44.

¹¹⁵ Кабанов С.К. Археологические разведки в Шахрисабзском оазисе. // Известия АНУзССР, 1951, №6, с. 62

¹¹⁶ Крашенинникова Н.И. Разрез крепостной стены древнего Кеша. // ОНУ 1968, №8, с. 60.

¹¹⁷ Ртвеладзе Э.В. Легенды об основании среднеазиатских городов и археологическая действительность. // Культура юга Узбекистана в древности и средневековье. Т., 1987, с. 49.

¹¹⁸ Крашенинникова Н.И. Изучения цитадели Кеша. // АО 1977г. – М., 1978, с. 527.

¹¹⁹ Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (КАТЭ) по изучению восточной половины кашкадарьинской области Уз ССР 1966.// научных трудов ТашГУ №533, Т., 1977, с. 33.

династияларнинг қарор топиши бутун Китоб – Шаҳрисабз воҳасининг маркази бўлиб қолган янги шаҳарнинг равақ топишига кўмаклашди. Шаҳар девори ичида кулоллар ва чилангарлар маҳаллалари жойлашганди. Устунларнинг мрамор асослари кўплигидан келиб чиқиб, шаҳарда йирик саройлар ва жамоат иншоотлари, шунингдек ҳозирги иморатлар остида қолиб кетган ҳашаматли қўрғонлар бўлган, деб хулоса қилиш мумкин¹²⁰.

Бир томондан, суғориш тизимининг ривожланиши, иккинчи томондан, Китоб – Шаҳрисабз воҳасининг марказий қисмида унумдор ерлар мавжудлиги антик даврда каналлар тармоқлари кенгайишига олиб келди. Баъзида улар тошқин сув ўтган ўзан бўлган, бироқ, ўтмиш даврдан фарқли равишда, буткул сунъий бўлган анча узун (10-20 км, эни 3-7 м) каналлар ҳам пайдо бўлди¹²¹. Шўробсой ва Қашқадарё оралиғида камида учта канал аниқланган. Бу жой Китоб ҳудудидаги шаҳар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унга қишлоқ хўжалик маҳсулоти етказиб берган. Сойнинг қуйи оқимидаги Саройтепа, Номсизтепа ва бошқа манзилгоҳларга Қашқадарёдан узунлиги 8 км дан зиёд бўлган Пистахон канали чиқарилди, унинг соҳили бўйлаб тўрт гуруҳ манзилгоҳлар бунёд этилди. Канал бошида тошдан қурилган тўғон изи ҳозиргача сақланиб қолган. Макридсойдан шарқ ва жанубдаги ерларга ариқ ўтказилиши натижасида унинг қуйи оқимидаги камобод ерлар ўзлаштирилди. Милод бўсағасида Оқчадарёнинг ўрта оқими бўйлаб, Юқори Сарой канали яқинида унча катта бўлмаган канал ва, эҳтимол, сув омбори ҳам барпо этилган¹²².

Сўнги антик даврдаги Шимолий Қашқадарёда каналлар ва ариқлар тармоғи Ўрта Осиёда энг ривожланган тармоқлардан бири деб ҳисобланади¹²³.

¹²⁰ Крашенинникова Н.И. Археолого-топографическое изучение Китаба // Археология Средней Азии. Сборник научных трудов ТашГУ Т., 1977, №533, с. 77-93.

¹²¹ Латынин Б.А. Вопросы истории древней ирригации Ферганы // КСИИМК 1956, №64, с. 18-19.

¹²² Иневаткина О. Северные укрепления древнего Самарканда // Культура древнего и средневекового Самарканда и исторические связи Согда. Тез.док. сов. – франц. Т., 1990, с. 44. Кабанов С.К. Изучение стратиграфии городища Афрасияб // Самарканд., 1969, №1, с. 184.

¹²³ Крашенинникова Н.И. Разрез крепостной стены древнего Кеша // ОНУ, 1968, №9, с. 62-63.

Воҳанинг жанубидаги Қайрағочтепа қалъаси ҳамда Китоб ўрнидаги пойтахт арки бўлган Қаландартепадаги иморатлар Подаёктепа юқори қатламлари билан бир даврга оиддир. Мудофаа деворларини бақувват пойдевор устига қуриш усули сўнги жез – илк темир даврига бориб тақалади. Бу вақтда Ўзбекистон жанубидаги шаклланаётган шаҳарлар бўлган ва илк шаҳар марказларидаги қалъалар бақувват асос – пойдевор устида барпо этилган. Китобда бутун шаҳарни ўраб олган қалъа девори ичидан эни 1,15 метр бўлган йўлак кетган, ундан бориб махсус туйнуклар орқали хоналарга кириш мумкин бўлган. Бу хоналар деворлари чизикдан туртиб чиқиб турган ташқи қисмида жойлашган бўлиб, унинг этагини ўққа тутишга мўлжалланган. Туртиб чиққан жой ўз навбатида, девортешар зарбадан ва бошқа қамал техникасидан ҳимояланишни таъминлаганки, антик даврда бундай техника жадал ривожлангани шаҳар истехкомларини мустаҳкамлашни тақозо этган. Мудофаа деворини, шунингдек, буржлар ҳам қучайтирган. Асосан текис жойда бунёд этилган Китоб девори пахсадан кўтарилган, остидан тўғри бурчакли, тамға босилган бир неча қатор хом ғишт терилган. Пахса қатламлари орасига бордон босилган, у захдан ва шўрланишдан асраган¹²⁴.

Айни маҳалда, м.а.в.в. III – II асрларда Китоб ҳудудида анча мустаҳкам уйлар қурилган, улар, одатда, махсус асос устига жойлашган. Милодга яқин, бутун Ўрта Осиёдаги сингари, Шарқий Қашқадарёда ҳам қурилишда ёппасига хом ғишт ишлатишга ўтила бошланди. Антик даврда уйлар, одатда, ҳар хил вазифани бажарувчи бир нечта хонадан иборат бўлган. Майдони 20 – 30 квадрат метргача борган турар жой хоналардан ташқари, унга албатта хумхона кирган.

Иморатни тиклаш жараёнида турли усуллар қўлланилган, материаллар алмашлаб ишлатилган. Хона деворлари ерга бироз чуқур кирган ёки, кўпинча, пойдеворсиз, текисланган майдонча устига кўтарилган.

¹²⁴ Буряков Э.Ю. Поселение Лозазор – предшественник города на Афрасиябе // К исторической топографии древнего и средневекового Самарканда Т., 1981, с. 11, Абдуллаев А. Археологические разведки и раскопки в Пяньжеском районе в 1977, // АРТ, 1977, Душанбе, 1983, вып. XVII, с. 78.

Мил.авв. III ва милодий III асрга оид археологик материаллар ўрта асрлардаги Кеш шахристонида ва унга яқин бўлган чегаралардан топилган.

Китобнинг жанубий қисмидан антик даврга хос бўлган шаҳарнинг кадимги дарвозаси Хожа Рушнодан унча узоқ бўлмаган Тўпхонатепа харобаси яқинидан сопол парчалари топилган. Шу ердан сўғд қиёфасидаги майда терракота ҳайкалчалари топилган. Улардан бирида отда турган суворий тасвирланган. Иккинчисида оёғини жипслаштириб ўтирган аёл тасвирланган. Учинчисида соқолсиз, темир қалпоқни эслатадиган бош кийимидаги эркак боши тасвирланган¹²⁵.

Шарқий Қашқадарё мармар захираларига бой бўлган. Мармар Китоб – Шахрисабз паст текислигини ўраб турган тоғлардаги конлардан келтирилган. Кулранг мармардан поғонасимон пойустунлар тайёрланган. Пойустун ясси бўлган, кўпинча жило берилган, унда ёғоч устуннинг остини жойлаштириш учун махсус жой бўлган. Мармарлар турли рангдалиги улар қазиб олинган конлар хилма-хиллигидан далолат беради¹²⁶.

Пиширилган сопол ҳайкалчалар–терракоталар, одатда ибодатхоналардан жой олган маъбудлар ҳайкаллари нусхасидир. Улар махсус қолипларда тайёрланган, сўнг уста уларни пичоқ билан қириб, тўғрилаган, одатда қизил ёки жигарранг ангоб билан пардоз берган ва пиширган. Ҳайкалларнинг бўйи 7 см дан 15 см гача бўлган; анча аввалги (мил.авв. I асрлардаги) ҳайкалчалар реалистик ясалган, сўнгилари (милодий I асрдан кейингилари) япалоқ қилиб ва номутаносиб ясалган. Хронологик жиҳатдан аввал ясалган ҳайкалчалар Китобдан топилган. Жанубий Суғднинг шарқий қисмида Она Маъбуда, уд чалувчи аёллар ва қандайдир маҳаллий илоҳларнинг тасвири бўлган эркаклар ҳайкаллари кўп учрайди.

¹²⁵ Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиция ТашГУ (КАТЭ) по изучение восточной половины кашкадарьинской области Уз ССР 1966.// научных трудов ТашГУ №533, Т., 1977, с. 31

¹²⁶ Алексеева Е.М. Античные бусы Северного Причерноморья. Свод археологических источников. Г 1-12. М., 1975, Матвеева Н.П. О торговых связях Западной Сибири и Центральной Азии в раннем железном веке // Р.А. 1997, №2, с. 68,75.

Китобда топилган Она Маъбуданинг сопол ҳайкалчалари ўтирган ҳолда тасвирланган яланғоч аёлнинг (мил.авв. III аср) ёки яланғоч гўдакни кўтариб олган кийинган аёлларнинг қўлда ясалган ҳайкалчаларидир¹²⁷.

Китобда уд чалаётган эркаklar ҳайкалчалари топилган¹²⁸, марказий Суғд ва Марғиёнада ҳам аёллар ҳайкалчаларига ўхшаш ҳайкалчалар бор¹²⁹.

Шарқий Қашқадарёда илоҳийлаштирилган аждодларга сиғиниш ҳам кенг тарқалган бўлиб, улар эркаklar ҳайкаллари ҳамда қўлда ясалган, чавандозли ва чавандозсиз от шаклларида иборат топилмалардир. Китобда ва Тўпчак қишлоғида мил.авв. I – IV асрлар материаллари билан бирга узун қалпоқ ёки йўл-йўл боғичли кўринишдаги бош кийим кийган, баъзан ўнг қулоғида сирғаса бўлган эркаklar ҳайкалчалари топилган. Тадқиқотчилар фикрича, улар мил.авв. II – милодий IV асрларда ясалган, деб ҳисобланади ва Македониялик Александр тасвирларига бориб тақалиши мумкин¹³⁰.

Антик давр маданияти ютуқлари ўлканинг ўрта асрлар даври маданияти асосини ташкил этади. Ўз навбатида ушбу давр маданияти ижтимоий-сиёсий вазиятнинг, диний – мафкуравий қарашларининг ўзгариши билан боғлиқ бир қатор янги анъаналарнинг вужудга келиши билан ҳам изоҳланади.

Еркўрғон милоддан аввалги VI-IV асрларда айниқса, гуллаб-яшнади ва айнан шу даврда умумий майдони 40 гектардан иборат майдонни ўз ичига олиб, бешбурчак шаклидаги қалин девор билан ўраб олинади.¹³¹

Археологлар Нахшаб шаҳрининг ёшини асосан сопол идишлар таҳлилига қараб аниқлаганлар. Шаҳар ўрнида узлуксиз олиб борилган

¹²⁷ Крашенинникова Н.И. Два комплекса керамики II – I вв. с. 89, 93. Крашенинникова Н.И. Прошлое Китаба // Вехи времен. Т., 1989. с. Крашенинникова Н.И. Прошлое Китаба // Вехи времен. Т., 1989. с. 30.

¹²⁸ Крашенинникова Н.И. Прошлое Китаба // Вехи времен. Т., 1989. с. 30.

¹²⁹ Мекшерис В.А. Согдийская терракота. Душанбе, 1989, с. 111, 139, 144.

¹³⁰ Кабанов С.К. Керамический комплекс из наслоений древнего городища в Китабе // ИМКУ. Т., 1962, вып. 3, с. 47-48. Крашенинникова Н.И. Два комплекса керамики II – I вв. до н.э. из нижних слоев Китаба // Археология Средней Азии. Сборник научных трудов ТашГУ. Т., 1977, №533, с. 89.

¹³¹ Сулейманов Р.Х. Основные этапы развития городища Еркурган.// Античная культура Средней Азии и Казахстана : Тезисы докл. Совещания. Т.: «Фан», 1979. 11-б.

казишма ишлари Ерқўрғоннинг шаклланиш ва таназзулга учраш саналарига аниқлик кирита борган. 1976 йилда 1-БХ деб номланган қазув жойида юмалоқ шаклдаги сопол идишлар сақланиб қолган маданий қатлам очилган эди. Юмалоқ шаклли идишлар (банка кўринишли) одатда, милoddан аввалги VI-IV асрларга мансуб деб қаралади. Шу йили бу ердан жомлар, қадахлар, лаган ва товоқлар, коса, хурмачалар, хум ва хумчалар, қозон ва декчалар топилган эди.

Қадимий Нахшаб вайроналари ўрнида муттасил илмий – тадқиқот ишларини бажарган археолог олимлар М.Ҳ.Исамиддинов ва Р.Ҳ.Сулаймоновлар ўзларининг 1984 йилда нашр этилган «Ерқўрғон» деб номланган рисолаларида қўлга киритилган моддий маданият ашёларини таҳлил этадилар. Сопол идишлар тадқиқи қуйидаги хулосаларни беради:

«Ерқўрғоннинг қуйи қатламидан олинган сопол буюмлар мажмуаси кўпгина тадқиқотчилар томонидан милoddан аввалги II минг йиллик охири ва I минг йиллик биринчи чораги билан саналадиган сўнгги мис даврининг қатор ёдгорликлари нақш солинган сополчилиги билан ўхшашдек туюлади. Бироқ, сўнгги мис даврининг узайтириб юборилган умумий санасини Ерқўрғон шаҳарчаси қуйи маданий қатламига тадбиқ этиб бўлмайди, чунки у бевосита милoddан аввалги VIII асрнинг иккинчи ярми ва VII асрлари ёки милoddан аввалги VIII-VI асрлар билан саналадиган кулолчилик сополлари бўлган кучли қатлам билан қопланган».

Нахшаб обидалари тупроғидан топилган кулолчилик ашёларини М.Ҳ.Исамиддинов ва Р.Ҳ.Сулаймоновлар қиёсий тадқиқ асосида Фарғона водийсидаги Чуст ва Далварзинтепа, Сурхондарё вилоятидаги Кучук – 2, Бандихон- 1, Қизилтепа ва Миршоди, Зарафшон воҳасидаги Афросиёб қуйи қатлами, Тошкент водийсининг Туябўғиз манзилларидаги сопол буюмлар билан уйғун деб қарайдилар. Зикр этилган археологик обидалари кулолчилик намуналарини, нақшланган сопол идишларини милoddан аввалги IX асрдан эрта ва VI асрдан кеч, милoddан аввалги VIII-VII асрларга тааллуқли деб

ҳисобланади. Шунга кўра Ерқўрғон қуйи маданий қатлами ёшини ҳам шундай саналаш мумкин бўлади.¹³²

Милоддан аввалги I минг йиллик бошларида қадимий маданият кенг тарқалган эди. Нахшабнинг ҳам биринчи аҳолиси чорвадор қабилалар эди ва улар ўзларига қўшни бўлган қавмлар таъсирида деҳқончилик- чорвачилик маданиятини шакллантирганлар. Археологларнинг гувоҳлик беришича, шаҳарчадаги ҳаётнинг навбатдаги даври қадимий Сўғд замонларига оид моддий ашёларда ўз ифодасини топади. Бундай ашёлар Ерқўрғондаги Ер II ва Ер III 13, 12, 9, ва 1 қазув чоҳларидан топилгандир. Кўрсатилган қатламлардан чиққан ашёлар шаҳарча милоддан аввалги VII-VI асрларда гавжумлашган деган тасаввурни пайдо қилади.

Ерқўрғонда узоқ йиллар мобайнида олиб борилган қазув ишлари бу жойдаги маданий қатламнинг ўзига хос томонларини ҳам кашф этади. М.Ҳ.Исомиддинов, ва Р.Ҳ. Сулаймоновларнинг таъкидлашича, ибодат буюмлари мажмуаси ўзига хослиги, безатилиши, нақшлари билан Қашқадарёдан бошқа жойда учрамайди. Бу жиҳатдан ҳайвон шаклидаги чироқлар, исирикдонлар, четларида ҳайвон бошлари тасвир этилган кулдонлар ва улардаги жимжимадор нақшлар алоҳида ажралиб туради. Милоднинг дастлабки асрларида Ерқўрғон ҳувиллаб қолган эди. Бу шу даврга оид осори атиқаларнинг йўқлиги билан изоҳланади.¹³³

Баъзи олимлар Ерқўрғоннинг ҳукм суриши муддати эфталлар ва турк хоқонлиги даврига қадар давом этган деган фикрда бўлганлар. Ерқўрғонда узоқ муддат давом этган тадқиқот ишлари Нахшабнинг то араблар босқинига қадар яшаб турганини аниқлайди. Археологларнинг кўрсатишларича, Ерқўрғон ҳукмдорининг қасри милоднинг бошларида вужудга келган. Н.Ю.Нефедовнинг ёзишича, Ерқўрғон шаҳарчаси ҳукмдор қасри ўз кўриниши, тархи ва тузилишига кўра Марказий осийёда шу вақтгача ўрганиб

¹³² Исамиддинов М.Х., Сулайманов Р.Х. Еркурган (стратиграфия и периодизация) Ташкент, Фан, 1984. 158 б

¹³³ М.Х.Исамиддинов, Р.Х.Сулейманов. Еркурган. – Т.: 1984, 140-б.

чиқилган яшаш уйлари, саройларга жуда монанд, улар билан бир қаторда туради¹³⁴

Ерқўрғоннинг вужудга келиш санасини кулолчилик ашёлари – сопол буюмлар билан белгилаш мумкин бўлганидек, таназзулга юз тутиш санасини шаҳар ибодатхонаси тупроғидан топилган Сўғд ҳукмдори Шашпир (VI аср охири VII аср бошлари) тангалари мисолида аниқлаш имконияти мавжуддир. Ерқўрғонда XX аср иккинчи ярмида ўтказилган тадқиқот натижалари Нахшабнинг VI-VII асрларда барҳаёт бўлганини тасдиқлайди. С.К.Кабановнинг ёзишича, Нахшаб Александр Македонский босқинидан сўнг ўзини ўнглаб ололмаган. Бундан ташқари, милоддан аввалги асрларда юз берган истилолар шаҳарни тамомила вайрона ҳолига келтирган. Аммо унинг айрим қисмларида ҳаёт давом этган. Шаҳар ҳукмдори, сипоҳийлар, хунармандлар янги манзилга кўчиб ўтган. Янги Нахшаб (ёхуд «Нахшаб-2») аста-секин шаҳар тусини олган. Милоднинг VI-VII асрларида Нахшаб-2 дарёнинг икки қирғоғи бўйлаб кенгая бошлаган. Аҳоли сони ҳам кўпайган. Шаҳар номи араблар келган даврда ҳам Нахшаб бўлиб қолаверган. Шунинг кўзда тутиб акад. В.В.Бартольд «Насаф» сўзи афтидан, араблар томонидан маҳаллий «Нахшаб»дан ҳосил қилинган деган фикр билдирган.¹³⁵

¹³⁴ Нефедов Н.Ю. Некоторые итоги раскопок дворцового комплекса Еркургана ИМКУ 1990 № 24 107-116

бет

¹³⁵ Бартольд В.В. Согд Собр. соч. В. 9 Т. 3.м. 1965 487-488 бет

ХУЛОСА

Юқоридаги фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, Қашқадарё воҳаси дунё маданияти тараққиётининг отин белбоғи бўлмиш Буюк Ипак Йўлининг энг муҳим нукталаридан бирида жойлашган. Бу серфайз замин ўзининг бекиёс моддий ва маънавий неъматлари билан машҳурдир.

Қудратли давлат, буюк иқтисодий-ижтимоий ислохотлар ҳақиқий маънавият заминида вужудга келади. Тарихий, маданий-маънавий қадриятлар бой меросимизни ўзлаштириш асосида мустақиллик мафкурасининг шаклланиш жараёни ҳам аниқ кўзга ташланиб бормоқда.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганларидек: “Бугун янги ўзбек давлати барпо этар эканмиз, биз тарихдан, аجدодлар меросидан, уларнинг руҳи покидан, Туркистон халқларининг қадриятларидан, маънавий меросидан баҳраманд бўлишимиз табиийдир”. Юқоридаги фикрдан ҳам кўриниб турибдики, Ватанимиз тарихи, унинг ҳудудидаги қадимий шаҳарлари тарихини билмай туриб Ватанимиз тарихини, ўзбек давлатчилиқ тарихини яратиб бўлмайди. Бу борада Ватанимизда бир қатор ишлар олиб борилмоқдаки, биз бу ишларни кенг қўламда олиб борилаётган археологик ишлар асосида ҳам кўришимиз мумкин. Юқорида келтириб ўтганимиздек Наутака – Нахшаб ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқот ишлари фикримиз далилидир.

Бу ҳудудларда олиб борилган археологик тадқиқот ишларининг натижасини қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин:

Қашқадарё воҳаси антик даври маданиятининг тадрижий тараққиётида муҳим маъмурий иқтисодий, сиёсий-маданий марказ бўлиб келган. Унинг тарихий илдизлари илк темир асрига – мил.авв. VIII – VII асрларга туташ бўлиб, Узунқир, Подаётоқтепа, Сангиртепа, Еркурғон шаҳарлари кенгрок ўрганилиб, Ўзбекистоннинг жанубий вилояти бўлган Қашқадарё воҳаси тарихи кенгрок ёритилди.

Антик даврда Қашқадарё ҳудудидаги типологик умумий қонуниятлар асосида ўз ривожланишининг янги босқичига кирган. Бу тадқиқотчилар томонидан моддий ва ёзма манбалар асосида ўрганилиб, тарих саҳифаларига киритилди.

Қадимги ва ўрта асрлар тараққиёт босқичлари давомида Кеш ўз бағрида Шарқ шаҳарсозлик ва ижтимоий шаҳарчилик аломатларининг барча хос хусусиятларини ўзида мужассам этди. Бу ҳол айниқса, қадимги шаҳарларда илк шаҳар тузилиши, ўрта асрлар давридаги шаҳарсозлик хусусиятларида ўз аксини топди. Олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида бу ҳудудда илк шаҳар кўринишидаги манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши ва антик даврида ривожланиши Ерқурғон, Сангиртепа, Узунқир, ҳозирги Китоб шаҳри ўрнидаги Қаландартепа мисолида кўриб чиқилди.

Манбаларни ўрганиш асосида илк темир даврида Кеш Узунқир манзилгоҳи, антик даврда ҳозирги Китоб шаҳри ўрнидаги Қаландартепа манзилгоҳи ўрнига тўғри келса, Нахшаю воҳасида бу Ерқўрғон археологик ёдогорлигига тўри келади.

Қашқадарё воҳасининг юқорида кўрсатилган археологик ёдгорликлари маъмурий-иқтисодий ҳамда сиёсий маркази сифатида мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмидан бошланган урбанистик жараённинг якуний босқичи сифатида бугун ҳам ривож топмоқда.

Қадимги Қашқадарёнинг тарихий, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳаётини ўрганишда олиб борилган тадқиқот ишлари асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Қашқадарё ҳудудидан топилган ашёвий манбалар Ўзбекистоннинг қадимги даври маданияти, иқтисодий-ижтимоий ҳаёти, савдо-сотиқ муносабатлари ишлаб чиқарувчи хўжалик шакллари, давлатчилик ва давлатчилик хусусиятларини ёритишдаги асосий манбалардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Президент асарлари:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т; “Шарқ”, 1998
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXII аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид , барқарорлик шартлари шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент:“Ўзбекистон”, 1997

Асосий адабиётлар:

3. Абдуллаев А. Археологические разведки и раскопки в Пянджском районе в 1977, // АРТ,1977, Душанбе, 1983
4. Абдурасулев Р.Р., Ремпель Л.И. Неизвестные памятники архитектуры бассейна Кашкадарьи // из материалов искусствоведческой комплексной экспедиции института искусствоведения АН Уз ССР,1961г.
5. Абу Райхон Беруний Осор ул-боқия, 1990.
6. Аминов Г. Краткие исторические сведения о прежних отношениях Бухары к Шахрисабзу // Туркестанские ведомости 1970 №11.
7. Арриан Поход Александра (с приложением XVII книги Диодора), 1963
8. Бартольд В.В. Кеш. Соч, т III, М., 1965
9. Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М – Л, Из-во АН СССР, 1950-1953, т 2
10. Буряков Э.Ю. Поселение Лолазор – предшественник города на Афрасиябе // К исторической топографии древнего и средневекового Самарканда Т., 1981
11. Геродот История, т X, 1972
12. Дресвянская Г.Я. Средневековые памятники в западной части Яккабагского района. // материалы по истории, историографии и археологии. Сборник научных трудов. ТашГУ, №582, Т., 1981
13. Дресвянская Г.Я. Южносогдийские трассы Великого шелкового пути // Формирование и развитие трасс Великого шелкового пути в древности и средневековье. Симпозиум ЮНЕСКО. Тез.док.. Самарканд – Ташкент, 1990. Дресвянская Г.Я. К районированию археологических памятников раннего средневековья (по материалам Яккабагского района) // ОНУ, 1985, №10
14. Дуке Х. Чиракчинское поселение. // ИМКУ. Вып.17, Т., Фан, 1982
15. Иневаткина О. Северные укрепления древнего Самарканда // Культура древнего и средневекового Самарканда и исторические связи Согда. Тез.док. сов. – франц. Т., 1990
16. Историческая топография Шахрисабза в свете новых данных // Археология Средней Азии. Сб. научных трудов. ТашГУ №533.,Т., 1977

17. История Узбекистана в источниках. Под. Редакции Лунин Б.К., Т., 1984
18. Кабанов С.К. Археологические разведки в Верхней части долины Кашкадарьи // Тр. ИИААН, Т., 1955, вып 7
19. Кабанов С.К. Археологические разведки в Шахрисабзском оазисе. Изв. АН УзССР, 1951, №6
20. Кабанов С.К. В оазисах и степях Кеша и Нахшаба. Т., “Узбекистон”, 1988
21. Кабанов С.К. Изучение стратиграфии городища Афрасияб // Самарканд. 1969
22. Кабанов С.К. Керамический комплекс из наслоений древнего городища в Китабе // ИМКУ. Т., 1962, вып.3
23. Кабанов С.К. Нахшебские монеты V – VI вв. // ВДИ. 1961, №1
24. Қадимги Кеш – Шахрисабз тарихидан лавҳалар. Тошкент, Шарқ, 1998
25. Камолиддинов С.Ш. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX – XIII вв. Т., Узбекистан, 1996
26. Қарши. Кичик альбом, Т., Маънавият, 2006
27. Квинт Курций Руф История Александра Македонского (кн. VIII. 14)
28. Крашенинникова Н.И Древнеземледельческий оазис Южного Согда // АО 1984., М., 1986
29. Крашенинникова Н.И Раскопки в Китабском районе // АО 1983. М., 1985–1986
30. Крашенинникова Н.И. Изучение цитадели Кеша // АО 1977, М., 1978.
31. Крашенинникова Н.И. Прошлое Китаба // Вехи времен. Т., 1989.
Крашенинникова Н.И. Работы в Кашкадарьинской области // АО, М., 1980
32. Крашенинникова Н.И. Разрез крепостной стены древнего Кеша. // ОНУ – №8, Т.: 1968.
33. Крестовский В.В. Гостях у эмира бухарского СПб., 1887.
34. Луконин В.Г. Культура Сасанидского Ирана. М., 1969
35. Лунина С. Б. Работа на Алтын-депе. – АО, М., 1969;
36. Лунина С.Б. Города Южного Согда в VIII – XII вв., Т., Фан, 1984.
37. Лунина С.Б. Разведочное обследование группы средневековых городищ и поселений долины Кашкадарьи // сборник научных трудов ТашГУ. Археология Средней Азии. Т., Издат-во ТашГУ, 1977, №533.
38. Лунина С.Б. Характер процесса урбанизации и особенности городов в долине Кашкадарьи // Тез.док. региональной конф. «Зоны и этапы урбанизации». Наманган, 1989, Т., Фан, 1989.
39. Лушпенко О.Н. К истории изучения поселений раннежелезного века долины Кашкадарьи // Древняя и средневековая археология Средней Азии. Т., Фан, 1990
40. М.Х.Исамиддинов, Р.Х. Сулаймонов. Еркурган. «Фан», Т.: 1984
41. Маньковская Л.Ю. Неизвестные памятники XVI – XIX вв. в Кашкадарьинской области // Журнал: Строительство и архитектура Узбекистана, 1970, №6; Архитектурные памятники Кашкадарьи. Т.,

- Узбекистан, 1979; Пугаченкова Г.А. Термез, Шахрисабз, Хива. М., 1976.
- 42.Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиция ТашГУ (КАТЭ) по изучение восточной половины кашкадарьинской области Уз ССР 1966.// научных трудов ТашГУ №533, Т., 1977.
- 43.Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Темуре и Улугбеке // Археология Средней Азии. II труды САГУ. Вып. 61 кн. 6. Т., 1953
- 44.Матвеева Н.П. О торговых связях Западной Сибири и Центральной Азии в раннем железном веке // Р.А. 1997
- 45.Мекшкерис В.А. Согдийская терракота. Душанбе, 1989
- 46.Нефедов Н.Ю. Некоторые итоги раскопок дворцового комплекса Еркургана ИМКУ 1990 № 24
- 47.Низомулмулк. Сиёсатнома, 1989.
- 48.Омельченко А. Районирование, типология и внутренняя структура поселений античного времени восточной части Южного Согда. // Ўрта Осиё археологияси тарихи ва маданияти халқаро илмий конференция, маърузалар, Т., 2002
- 49.Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда (V – VIII) Сўғд мулкида Насаф шаҳри ва вилояти. // Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Тошкент – Қарши, “Фан”, маъруза, 2006
- 50.Р.Ҳ. Сулаймонов, М. Исомиддинов, В Ягодин. Оламўшумул археологик кашфиётлар «Фан ва турмуш». № 5-6, 2006
- 51.Равшанов П. Қарши тарихи. Т., Янги авлод, 2006
- 52.Ражабова Н Археологическая работы в долине Кашкадарьи 2006.
- 53.Раимкулов А., Исамитдинов М. Турткультепа – новый памятник финальной бронзы в Южном Согде // Археологические работы на новостройках Узбекистана. Т., 1990.
- 54.Ртвеладзе Э.В. Этюд по исторической географии Бактрии и Согдианы во время похода Александра Македонского / ВДИ 2000, №4
- 55.Ртвеладзе Э.Е. Монеты Кеша // История и культура южных районов Средней Азии в древности и средневековье. Т., 1989
- 56.Сагдуллаев А.С. Древне согдийские памятники.// АО – 1978, М., 1979
- 57.Сагдуллаев А.С. К вопросу о второй столице Согдианы. // СА 1988, №4
- 58.Сагдуллаев А.С. Особенности оседлого в Южном Согде в эпоху античности // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда (античность – раннее средневековье) материалы советско - французского коллоквиума, Самарканд, 1986 . Т., 1987
- 59.Сагдуллаев А.С. Поселения раннежелезного века в бассейне Кашкадарьи . // СА. 1984, №3
- 60.Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. Т., Фан, 1987
- 61.Столярова Н.П. К характеристике керамического материала XII – XIII вв. ряда памятников долины Кашкадарьи. – В сб.: Труды ТашГУ вып. 5. 1960.
- 62.Сулаймонов Р.Х. Древний Нахшаб. Т.: «Фан». , 2000

63. Сулейманов Р.Х. Карши-Насаф-Нахшаб в системе цивилизации центральной Азии Ўзбекистон тарихи №2-3 Т."Фан" 2006
64. Сулейманов Р.Х. Основные этапы развития городища Еркурган.// Античная культура Средней Азии и Казахстана : Тезисы докл. Совещания. Т.: «Фан», 1979.
65. Теренонский А.И. Археологическая рекогносцировка в западной части Узбекистана ВДИ 1947 №2
66. Толстов С.П. По следам древне Хорезмской цивилизации. М., 1948
67. Усманова З.И. Кафедра археологии ТашГУ – 50 лет. // Древняя и средневековая археология Средней Азии – Т.: Фан, 1990
68. Усманова З.И. Новые данные к исторической топографии г. Шахрисабза // Материалы сессии, посвященной итогам археологических и этнографических исследований 1964 г. Баку., 1965
69. Усманова З.И. Работы Кешской археолого-топографической экспедиция. – АО, М., 1968г
70. Франц Грене Заметки о топониме Наутака // Шахрисабз шахрининг жаҳон тарихида тутган ўрни, ҳал. Илмий кон., маърузалар, Т., Фан, 2002
71. Франц Грене. Новые свидетельства о Нахшабе и Кеше античного периода. // Қарши шахрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Тошкент – Қарши, "Фан", маъруза, 2006
72. Хасанов М., Мехендали С. Раскопки на Сангиртепе в Кашкадарье. // Археологические исследования в Узбекистане 2003 г., Вып.4, Т.
73. Ходжаев А. Наиболее ранние сведения kitabских источников о Шахрисабзе. // Қарши шахрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Тошкент – Қарши, "Фан", маъруза, 2006
74. Шахрисабз 2700 минг йиллик мерос. Альбом, Тошкент, Шарқ, 2002
75. Эшов Б. Узунқир – Китоб – Шахрисабз. // Шахрисабз шахрининг жаҳон тарихида тутган ўрни ҳалқаро илмий конференция маърузалари, Т., Фан, 2002
76. Якубовский А.Ю. ГАИМК-ИИМК и археологическое изучение Средней Азии за 20 лет // КСИИМК. VI М. – Л., 1940